Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 164 (3665)
ЖУМА
21 ИЮЛЬ 1978 Й.
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлади
Баҳоси 2 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

• Беш йилликни бажарганлар

1981 йил ҳисобига

«Учқун» тўқимачилик-галантерея бирлашмасида ўнинчи беш йиллик топшириқларини муддатидан илгари бажариш учун бошланган мусобақа ўзининг ёрқин натижаларини бермоқда. Бу ерда вақтдан ўзган ҳолда ишлаб кунлик топшириқларини ортиғи билан бажараётган, кун сайин ишлаб чиқаришда рекорд кўрсаткичларни қўлга киритаётган ишчилар сафи кун сайин кенгайиб бормоқда. Бирлашма галантерея фабрикасининг цех бригада бошлиғи И. Рамакаева ана шундай меҳнатда пешқадам ишчилардан биридир. У шу кунларда 1981 йил ҳисобига маҳсулот ишлаб чиқармоқда.

И. Рамакаева иш вақтидан самарали фойдаланганлиги, меҳнат интизомига қатъий риоя қилганлиги туфайли ана шундай кўрсаткичларни қўлга киритмоқда. Ундан ёшлар ҳам ўрнак олишмоқда.

И. Рамакаеванинг собиқ шогирдлари Маҳбуба Маҳкамова ва Муҳтабар Жўраевалар касб маҳоратларини ошира бориб кувончли кўрсаткичларни қўлга киритмоқдалар.

И. Рамакаева меҳнат қилаётган фабрикада пешқадамлар сафи кун сайин кенгайиб боряпти. Фабрикадаги 16 бригада беш йилликнинг уч йили планини СССР Конституциясининг бир йиллигигача бажаришга аҳд қилди.

РЕСПУБЛИКАМИЗ ПОЙТАХТИДА

Кеча

Югославия Социалистик Федератив Республикасининг Македония ўлкаси олий ўқув юртларининг ёшларидан иборат студентлар меҳнат семестри қатнашчилари Тошкентда ўз ишларини бошладилар. Улар В. И. Ленин номли Тошкент Давлат университетининг химия факультети корпуси ва мажлислар зали қурилишида қатнашадилар. Айни пайтда эса шаҳримиз олий ўқув юртининг ёшлари Македонияда Югославия катта автомобиль йўли қурилишида ҳам иштирок этмоқдалар.

Ўзбекистон ва Македония ёшлари ўртасида дўстлик алоқалари бир неча йилдан буён давом этмоқда. Ана шу муносабатларнинг ёрқин самараси натижасида бу йил ёшлар бир-бирларининг ўлкаларида меҳнат семестрида қатнашишга муяссар бўлдилар.

Югославиялик меҳмонлар билан дўстлик жамиятида учрашув ўтказилди. Улар Самарқанд шаҳрининг диққатга сазовор жойлари билан ҳам танишадилар.

●

Киров район «Билим» жамияти ташкилоти КПСС Марказий Комитетининг июль Пленуми материалларини меҳнаткашлар ўртасида пропаганда қилиш мақсадида олимларнинг корхоналарда суҳбатлар ўтказишини бошлади.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети партия тарихи институтининг бир группа олимлари Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси 50 йиллиги номли тикув ишлаб чиқариш бирлашмасида бўлдилар. Уларнинг ўтказган суҳбатлари тикувчиларга манзур бўлди.

Бугун

В. И. Ленин Марказий музейининг Тошкент филиали илмий ходимларидан иборат лектор. лар группаси «Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмасида бўлди. Бу ерда РСДРП II съезди нинг 75 йиллигига бағишланган суҳбатлар олиб борилди.

Партиянинг ана шу дастлабки тарихий съездининг аҳамиятини тушунтириш мақсадида кўпгина жойларда ҳар хил тадбирлар ўтказилмоқда. «Ўзбексельмаш» бирлашмасида, «Ўзбекэнергоремонт» трестида ва бошқа муассасаларда конференциялар ўтди.

●

Чилонзор массивининг 12-кварталида Тошкент» янги автомобиль станциясининг қўшимча кассалари очилди. Дам олиш зонасига боратёган пассажирларга қулайлик яратиш мақсадида ана шундай тадбир белгиланди.

Ҳозирги пайтда автомобиль вокзалининг 51 та машинага чиқиш майдонидан ҳар соатда 2200 пассажир жўнамоқда.

Янги чиройли бинода ҳаракатдаги хизматлардан ташқари кутиш зали, оналар ва болалар хонаси, кафе, сартарошхона ишлаб турибди. Шаҳарлараро телефон-телеграф иш бошлади. Янги станция қурилиши ҳамон давом этмоқда. Яқин вақтлар ичида бу ерда 350 ўринли меҳмонхона фойдаланишга топширилиши мўлжалланган. Унда автомобиль ҳайдовчилари дам оладилар.

Бир неча ҳафтадан кейин ҳар томонлама қулай бўлган «Икарус» автобуслари янги маршрутлар — Олмаота, Қирғизистон ҳамда республиканинг Бухоро ва бошқа областлари бўйлаб қатнай бошлайди. Шундай қилиб республикамиз пойтахтининг Ўрта Осиё ва Қозоғистон республикалари пойтахтлари билан боғлайдиган автомобиль алоқаси кенгайиб бормоқда.

●

Янги уй-жой биноларини фойдаланишга қабул қилиб олувчи давлат комиссияси Навоий кўчасида шаҳар архитектура — планлаштириш Бош бошқармаси ходимлари учун мўлжалланган 40 квартирали уйни қабул қилиб олди.

Биргина шу йилнинг ўзида Халқлар дўстлиги проспектида учта тўққиз қаватли уй фойдаланишга топширилди. В—14, В—22, 24, 25-кварталлар ободонлаштирилмоқда. 133-қурилиш трести ва уйсозлик комбинатининг қурилиш бригадалари ана шу ишларни олиб боришмоқда. Охунбобоев майдонида етти қаватли уй-жой комплекси ишга туширилди. Бу ерга 200 дан ортиқ оила кўчиб кирди. Куйбишев районида 124- ва 52 квартирали иккита тўққиз қаватли бинонинг хоналарида ҳам чироқлар порлади. Бу биноларнинг биринчи қаватида аптека, болалар кафеси ва маиший хизмат хоналари жойлашмоқда. Жуковский кўчасида ҳам иккита тўрт қаватли уй қад кўтарди.

●

Тўқимачилик комбинатининг тўртта илғор бригадаси коллективи ўзининг икки кунлик дам олиш кунини мароқли ўтказиш мақсадида Самарқанд шаҳрига жўнаб кетди. Илёс Губайдулин, Юрий Биткин, Александр Суботин, Зинаида Ҳайдаровалар бошлиқ бригадалар комсомол съезди шарафига ўтказилган социалистик мусобақада ғолиб чиқиб «ВЛКСМ XVIII съезди номли бригада» деган шарафли номни қўлга киритишган ва Самарқанд шаҳрига бепул йўлланма олишга эришишган эди.

Эртага

дўст ва қўшни мамлакат — Ҳиндистондаги болалар ташкилотининг махсус делегацияси шаҳримизда кутиб олинади. Ҳинд ўқувчилари Бутуниттифоқ «Артек» пионер лагерига боратуриб Тошкентда икки кун меҳмон бўладилар. Улар пионер саройлари, маданият даргоҳлари, тарихий ёдгорликлар билан танишадилар.

●

Якшанба куни кечқурун Ленин комсомоли номли маданият ва истироҳат боғида СССР Ҳарбий-Денгиз Флоти кунига бағишлаб сувда байрам ўтказилади. Улуғ Ватан уруши қатнашчилари дам олувчиларга жанговарлик ҳақида ҳикоя қилиб берадилар, кўпгина ҳаваскорлик ансамбларининг Ватан ҳудратини улуғловчи концертлари намойиш этилади.

ШАҲАР — ҚИШЛОҚҚА

ДЕҲҚОНГА МАДАДКОРМИЗ

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ИЮЛЬ ПЛЕНУМИ ҚАРОРЛАРИ — АМАЛДА

БУЮРТМАГА БИНОАН

КПСС Марказий Комитетининг июль (1978 йил) Пленумида шаҳар ва саноат марказларининг қишлоққа оталиқ ёрдами кўрсатиши катта аҳамиятга эга эканлиги алоҳида таъкидлаб ўтилди. Бу борада Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллиги номли тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси коллективи ҳам кўпгина ибратли ишларни амалга оширмоқда.

Мана уч йилдирки, бирлашма чеварлари ўртада тузилган шартномага биноан Жиззах областидаги «Зомин-1» совхозига оталиқ ёрдами кўрсатиб келяпти. Фақат биринчи ярим йилликнинг ўзида 3 минг сўмликдан кўп турли хил ёрдам кўрсатилди. Мавжуд техникани ва биноларни ремонт қилиш учун зарур қурилиш материаллари жўнатилди.

Совхоз меҳнатчиларининг буюртмасига кўра куни кеча кўлқуварлар қошига яна икки нафар слесардан иборат кўчма устахона жўнаб кетди. Бирлашма мутахассислари дағал-ҳашак ўримйиғимида ҳам актив иштирок этишиб, ишдан чиққан техникани ўз вақтида соз ремонт қилиб бериб туришди.

Ҳиммати баланд бирлашма ишчилари чўлқуварларга пахта йиғим-теримида ҳам яқиндан ёрдам беришга бел боглашди.

ЧЎЛҚУВАРЛАР ТАШАККУРИ

Тошкент электр машинасозлиги заводи коллективи ҳалқ хўжалигига кўплаб электр пайвандлаш трансформаторлари етказиб бериш билан бирга, қишлоқ хўжалиги меҳнаткашларига ҳам яқиндан оталиқ ёрдами кўрсатиб келяпти. Ўтган олти ой мобайнида завод коллектчви 15 минг 600 дона электр пайвандлаш трансформатори ишлаб чиқарган бўлса, дала меҳнаткашларига бир неча ўн минг сўмликдан зиёд оталиқ ёрдами кўрсатдилар. Жумладан, май ойида заводнинг В. Ушенин. В. Зинин, А. Вдерников каби мутахассислари Сирдарё область Пахтакор районидаги «Кизил тўқимачи» совхозида бўлишиб, мавжуд техникани ремонтдан тез ва соз чиқариб бердилар. Бундан чўлқуварлар беҳад миннатдор бўлишиб, завод маъмурияти номига ташаккурнома ёзиб юборишди.

Йил бошида совхозга оталиқ ёрдами кўрсатиш бўйича тузилган шартномага кўра дағал хашак йиғиш, зарур асбоб-ускуналар етказиб бериш ҳам кўзда тутилган эди. Тошкентлик трансформаторчилар шартномасининг бу бандларини ҳам муваффақиятли уддалашди. Завод комсомол-ёшларидан 15 нафари совхоз пичанзорларида фаоллик кўрсатишди. Шунингдек, «Кизил тўқимачи»ликларга 200 минг сўмликдан зиёд қирқиш, монтажлаш асбоб-ускуналари ҳам етказиб берилди.



КПСС Марказий Комитетининг июль Пленуми қишлоқ меҳнаткашлари, шу жумладан машинасозлар олдига ҳам муҳим вазифаларни қўйди. Буни чуқур ҳис этган пойтахт машинасозлари қишлоққа оталиқ ёрдамини янада кучайтириб юбордилар. «Ўзбексельмаш» ишлаб чиқариш бирлашмаси коллективи ҳам бугунги кунда иттифоқдош республикаларнинг пахтакор хўжаликларига кўплаб селялкалар, гербицидларни сочадиган мосламалар, чанглагич-пуркагич машиналари, подбор терадиган, кўрак чувийдиган, ғўзапоя юладиган агрегатлар ва бошқа турли-туман эҳтиёт қисмлар етказиб бераяпти.

Бугунги кунда корхона коллективи социалистик мусобақани янада авж олдириб юборди. Ишлаб чиқариш илғорлари корхона ютуғига салмоқли ҳисса қўшиб келишяпти. Сиз ушбу суратда кўриб турган Шарифулла Фахриддинов ҳам энг пешқадам токарлардан бири. У ишлаб чиқариш топшириқларини ортиғи билан адо этибгина қолмай, кўплаб ёшларга устозлик қилиб келмоқда.

ҲИММАТ

Республика ўқув-ишлаб чиқариш комбинати Тошкент область Калинин районидаги «Текстильщик» ва Ю. А. Гагарин номли совхозларни ўз оталиғига олган. Ҳар йили пичан ўрим-йиғимида, мева ва сабзавот маҳсулотларини йиғиштириб олишда Т. Обидов бошлиқ ўқув-ишлаб чиқариш комбинати коллективи мазкур совхозларнинг меҳнаткашларига яқиндан ёрдам бериб келади.

Куни-кеча бу ўқув масканининг 70 нафар ўқувчиси «Текстильщик» совхозидан қайтиб келишди. Ўқитувчи-мастерлар Ж. Отахонов ва Р. Аллаберганова етакчилигидаги ўқувчилар жами 30 тонна дағал хашак йиғиб беришди. Бу ишда М. Абдуллаев, Т. Норматов, М. Абдуллаева, Г. Исоқова каби механизаторлар ёшлар кунига уч тоннага яқин дағал хашак ўриб-йиғиб бериб, совхоз чорвадорларининг олқишига сазовор бўлишди.

ДИҚҚАТ МАРКАЗИДА

Ишчилар синфи билан деҳқонлар ҳамкорлигининг ёрқин кўриниши бўлган оталиқ ёрдамига эътибор «Средазкабель» ишлаб чиқариш бирлашмаси партия комитетининг диққат-марказида турибди. Бирлашма коллективи қишлоқ меҳнат аҳлига кўплаб материал ва эҳтиёт қисмлар етказиб бермоқда.

Москваликларни нг энг буюртмаларни муддатидан илгари бажариш ташаббусини кўллаб-қувватлаган бирлашма коммунистлари, бутун коллектив ҳозир шартнома графигидан ўзиб ишлашяпти.

Яқинда корхона партия комитетида КПСС Марказий Комитети июль Пленуми қарорлари асосида коллектив вазифалари муҳокама этилган эди. Авваллари улар Тошкент районига самарали оталиқ ёрдами кўрсатиб келган эдилар. Бу йил Сирдарё областининг Ильич районидаги «Правда» совхозига кўмак беришяпти. Масалан, хўжаликда учта кўчма устахона ишлаб турибди. Кўплаб қурилиш материаллари, кабель участкаларини телефонлаштириш, моторлар ремонтига самарали ёрдам кўрсатишяпти.

Партком барча цехларнинг оталиқдаги хўжаликлари учун юқори сифатли маҳсулот тайёрлаш, қишлоқ механизатор кадрларининг талаб ва эҳтиёжларини тўла-тўкис қондириш ишини мунтазам назорат қилиб бормоқда.

МУҲИМ БУРЧ

КПСС Марказий Комитетининг июль (1978 йил) Пленуми қарор ва ҳужжатларини ҳар бир киши қалби ва онгига етказиш — бошланғич партия ташкилотларининг энг муҳим бурчидир.

Пойтахтимиздаги агрегат заводи партия комитети Пленум материалларини пропаганда қилиш юзасидан агитатор, сиёсий ахборотчи ва пропагандистларнинг семинарини ўтказди.

Унда июль Пленумида илгари сурилган долзарб масалалар юзасидан корхона коммунистлари, бутун коллектив олдида турган муҳим вазифалар аниқлаб олинди ҳамда бир қатор тадбирлар ишлаб чиқилди. Масалан, улар орасида ҳар бир цехда Пленум материалларини юзасидан икки соатдан машғулотлар ўтказиш белгиланди. Семинарда сўзга чиққан методик совет раиси А. Юнусов бу тадбирнинг моҳияти ва уни ўтказиш йўллари ҳақида гапирди. Шунингдек, семинарда корхона оталиғидаги — Сирдарё областининг Ворошилов номли совхозига қўшимча редукторлар, эҳтиёт қисмлар юбориш, оталиқ ёрдамни янада кучайтиришга қарор қилинди.

САМАРАЛИ ҲАМКОРЛИК

«Тошкентгазаппарат» заводи коллективи Жиззах областидаги Свердлов номли совхозни ўз оталиғига олганига икки йил тўлди. Завод мутахассислари хўжаликнинг техника ремонтида механизаторларга яқиндан ёрдам бериб келишяпти. Пахта йиғим-терим компаниясида актив қатнашишмоқда. Совхозга завод ҳаваскорлик тўғараги қатнашчилари, лекторлар келиб туришади. Улар томонидан ўтказилаётган қизиқарли суҳбатлар ва мароқли концертларни хўжалик аъзолари қизиқиб тинглашади ва томошз қилишади.

Бу йил завод коллективи Сирдарё областининг Ильичевск районига қарашли Волков номидаги 1-совхозни ўз оталиғига олиш тўғрисида шартнома қабул қилди. Совхозни керакли материаллар билан таъминлаш учун хўжаликка яқинда завод партия комитети секретари Н. Кадишнова, касаба союз раиси О. Қодиров, директор ўринбосари Т. Отаметовлар келиб кетишди.

Яқин кунларда совхозга завод томонидан барча керакли анжомлар жўнатилади. Пахта йиғим-терим компанияси даврида эса далаларда юз киши кечи ишлаб берилади.

ШАҲАРЛИКЛАР ДАСТУРХОНИГА

Янгийўл районидаги Турсунқулов номли колхоз далаларида етиштирилган картошка, бақлажон, помидор, олма ва турли хил маҳсулотлар шаҳарликлар ҳузурига тез-тез жўнатилиб турилади.

Бу йил колхоз меҳнаткашлари шаҳарликларга 700 тонна турли-туман мева маҳсулотлари ва 1400 тонна сабзавот маҳсулотлари жўнатишга аҳд қилишди.

КУН ТАРТИБИДА — БУТУНИТТИФОҚ АҲОЛИ РЎЙХАТИ

Бутуниттифоқ аҳоли рўйхатини олишни бошлашгача саноқли ойлар қолди. 20 июль куни Тошкентда бўлиб ўтган республика кенгашида ана шу муҳим кампанияга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди. Кенгашда халқ депутатлари область, шаҳар ва район Советлари ижроия комитетларининг, министрликлар ва идораларнинг масъул ходимлари, аҳолини рўйхатга олишга кўмаклашувчи комиссияларнинг раҳбарлари иштирок этдилар.

Кенгашда рўйхатга олишни бажариши лозим бўлган кадрларни тайёрлашга, 1979 йилда ўтказиладиган аҳолини рўйхатга олишнинг мақсадлари ва вазифалари тўғрисида аҳоли ўртасида олиб бориладиган оммавий-тушунтириш ишларини авж олдиришга алоҳида эътибор берилди.

(ЎзТАГ).

ДАВЛАТ СТАТИСТИКАСИ ОРГАНЛАРИНИНГ ЮБИЛЕЙИ

Республика меҳнаткашлари Давлат статистика органлари ташкил этилганлигининг 60 йиллигини нишонламоқдалар. В. И. Ленин ташаббуси билан тузилган Давлат статистика органлари шонли йўлни босиб ўтди ва ҳозирги вақтда ўзининг бутун фаолияти билан коммунистик қурилишнинг партия XXV съезди қарорларида, КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежневнинг нутқларида белгилаб берилган янги вазифаларни муваффақиятли равишда амалга оширишга кўмаклашмоқда.

20 июль куни Тошкентда бўлиб ўтган тантанали йиғилиш ана шу шонли санага бағишланди.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳузуридаги Марказий статистика бошқармасининг бошлиғи С. М. Маҳмудов йиғилишда доклад қилди.

Давлат статистика органлари ходимларининг бир группасига «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган экономист» фахрий унвони берилганлиги тўғрисидаги гувоҳномалар ва кўкракка тақиладиган тегишли нишонлар, шунингдек Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиқлари топширилди.

Йиғилишда Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари, республика Госплани раиси Қ. А. Аҳмедов иштирок этди.

(ЎзТАГ).

«РАДУГА» УЧИРИЛДИ

ТАСС АХБОРОТИ

Ернинг сунъий йўлдошларидан фойдаланиб, алоқа ва телевизион кўрсатиш системаларини янада ривожлантириш программасига мувофиқ 1978 йил 19 июлда Совет Иттифоқида навбатдаги алоқа йўлдоши «Радуга» учирилди. Унинг ичига тўлқинларнинг сантиметрлик диапазонида кечаю-кундуз узлуксиз телефон, телеграф, радио алоқасини таъминлайдиган ва шу билан бир вақтда Марказий телевидениенинг ранглн ҳамда қора-оқ тасвирдаги программаларини «Орбита» станцнялари шохобчаларига етказишни таъминлайдиган ретрансляция аппаратлари ўрнатилган.

«Радуга» йўлдоши стацнонар-доиравий орбитага яқин орбитага чиқарилди. Унинг дастлабки параметрлари қуйидагича:

— Ер юзидан узоқлиги — 36590 километр;

— Ер атрофини айланиб чиқиш даври — 24 соату 38 минут;

— орбитасининг оғиши — 0,5 градус.

Такомиллаштирилган кўп тармоқли алоқа ва телевизион ретрансляция аппаратидан ташқари йўлдошда яна қуйидагилар бор: Ерга аниқ ориентация қилишни таъминловчи уч ўқли система, Қуёш батареяларини мустақил равишда Қуёшга тўғрилаб ва яқинлаштирнб қўядиган энергия билан таъминлаш системаси, орбитада коррекция қилиб турадиган система, ҳароратни муайян даражада сақлаб турадиган система, борт системаларининг ишлаши тўғрисидаги маълумотларни ерга узатиб турувчи радиотелеметрик система, орбита параметрларини аниқ ўлчаб берадиган ва йўлдошни бошқарадиган радио система.

«Радуга» йўлдошида ўрнатилган аппаратлар нормал ишлаб турибди. Команда-ўлчов комплекси йўлдошни бошқарнб турибди. Йўлдошдаги алоқа ва телевизион аппаратлар белгиланган программага мувофиқ ишлатилаверадн.

«Радуга» йўлдошида халқаро регистрация индекси «Стацнонар-2» бор.

ПРОСПЕКТ ЧИРОЙИ

В. И. Ленин номли проспектда яна бир чиройли бино проспектга чирой бағишлай бошлади. Республика кўргазмалар зали биноси ёнида кўкка бўй чўзган бу бино 43 квартирали ҳашаматли уй-жой биносидир. Уни «Главташкентстрой» 11-трестининг 69-қурилиш бошқармасидаги энг яхши комплекс бригада бунёд этди. Бу бригадага Николай Егоров раҳбарлик қилади. Бу ердаги пардоз ишларини шу трестнинг 76-бошқармаси бригадалари адо этди.

Ҳозирги пайтда 12 қаватли бу бинода ободонлаштириш ишлари олиб боряпти. Бинога кириш йўллари, йўловчилар ўтадиган йўллар тахт қилинаяпти. Бунёдкорлар уни шу ойнинг охирида фойдаланишга топшириш ниятидалар.



«Қизил тонг» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасининг тикувчи, мотористкаси Назира Ҳасанова кўпгина ўхшаш операцияларни пухта ўрганиб олган. Бу унга пальто тикишда жуда қўл келяпти. Натижада у смена топшириқларини 40 процентга ошириб адо этиб, аъло сифатли маҳсулот тайёрлаб бермоқда.

СУРАТДА: Н. Ҳасанова.

Р. Загратдинов фотолари.

УЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми узоқ йил, самарали ишлаганлиги учун ҳамда туғилган кунига эллик йил тўлиши муносабати билан Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети партия тарихи институтининг бир группа олимлари Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси 50 йиллиги номли тикув ишлаб чиқариш бирлашмасида бўлдилар. Уларнинг ўтказган суҳбатлари тикувчиларга манзур бўлди.

ТОНГГИ ГАЗЕТАЛАРДА

● **20 июлда Қримда КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев билан Совет Иттифоқида дам олаётган Чехословакия Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Бош секретари, ЧССР Президенти Г. Гусак ўртасида дўстона учрашув бўлиб ўтди.**

Суҳбат чоғида асосий эътибор Совет — Чехословакия ҳамкорлиги масалаларига қаратилди.

● 19 июль куни Москвада Польша тикланиши йиллигига бағишлаб пойтахт меҳнаткашлари намоянларининг тантанали йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилишда ПХРнинг СССРдаги элчиси К. Ольшевски сўзга чиқди.

телетайп лентасидан

⊙ **СОФИЯ.** Козлодуй атом электростанцияси-нинг коллективи 7 ойлик планни муддатидан олдин бажарди. Йил бошидан бери бу ерда 3 миллиард 555 миллион киловатт соат электр энергия ишлаб чиқарилди. Ойнинг охиригача пландан ташқари яна қарийб 250 миллион киловатт соат электр энергия олиш планлаштирилмоқда.

⊙ **БРЮССЕЛЬ.** Социалистларнинг Фландрияда чиқадиган йирик газетаси «Фолькс газет»ни ва Бельгия умуммеҳнат федерациясининг органи «Де веркер» ҳафталик газетасини нашр этувчи «С. М. Онтвиккелинг» нашриёти жамияти ва «Эксельсиор» босмахонаси ёпиб қўйилди.

Натижада 310 ишчи ишсиз қолди. Бу шу йилнинг дастлабки 6 ойи ичида синган 2 мингдан кўпроқ компания ва корхоналар орасида эътибордан четда қолган энг катта корхоналарнинг биридир.

⊙ **ГААГА.** Мамлакат социал ишлар министрлигининг хабар қилишича, Голландияда ишсизлар сони июнь ойининг охирида 204 минг нишидан ошиб кетган. Министрлик эълон қилган маълумотларга қараганда, бу ишсизларнинг ярмиси ёши 23 га етмаган нишилардан иборат.

Бу йил мактабни тамомлаган 62 мингдан зиёд йигит ва қиз июнь ойининг ўзидагина Голландиянинг меҳнат биржаларида ишсизлар рўйхатига ёзилди. Улар ҳар қанча уринсалар ҳам, ўз ҳаётида биринчи иш жойини топа олмадилар.

⊙ **НЬЮ-ЙОРК.** Оппозициянинг фикрича, Боливияда ўтказилган ва демократияни қайта тиклаш йўлида қўйиладиган биринчи қадам бўлган сайловда кўпчиликнинг ҳоҳиши сохталаштирилган, деб ёзади «Нью Йорк таймс» газетаси.

Сайлов вақтида оппозициянинг номзодлари ёзилган бюллетенлар кўпгина сайлов участкаларида етишмай қолган ёки умуман бўлмаган, деб ёзади газета. Сайловчиларнинг 15 проценти истиқомат қилаётган пойтахт аҳолисининг қаерда овоз бериши тўғрисидаги қарорлар фақат сайлов арафасидагина эълон қилинган, шу сабабли сайловчиларнинг кўплари ўз участкаларини тополмаганлар. Пойтахт атрофидаги округлардан бирида овоз бермоқчи бўлган сайловда қатнашган. ваҳоланки, солдатлар ҳам сайловда қатнашуви қонунда тақиқланган.

⊙ **БАМАКО.** Мали Республикасининг пойтахтида Мали меҳнаткашлари миллий бирлашмасининг съезди очилди. Съезд очилишида сўзга чиққан меҳнат министри Т. Диарра мамлакатни ривожлантиришда қашшоқликка, ишсизликка қарши, меҳнат ва турмуш шароитини яхшилаш учун курашда Мали касаба союзлари катта роль ўйнаганлигини уқтириб ўтди.

Съездга 30 дан кўпроқ мамлакат ва халқаро ташкилотдан, шу жумладан, Совет Иттифоқи, Венгрия, Руминия, Куба, Жазоир ва Гвинея касаба союз делегациялари келди.

⊙ **ТОКИО.** Япониядаги ип йигириш корхоналарида ишлаб чиқариш ҳажми яқин ойлар ичида ундан бир зиёд қисқартирилади. Шу билан бир вақтда корхона эгалари мамлакатда малава ишлаб чиқаришдаги барча ускуналарнинг 30 процентини тўхтатиб қўймоқчилар. Бу қарор Япониядаги ип йигирув уюшмаси директорлари кенгашининг мажлисида қабул қилинди.

(ТАСС).



«Қизил тонг» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасининг аҳил коллективи социалистик мусобақани авж олдириб меҳнат қилмоқда. Сиз суратда шу бирлашманинг 4-цех тикувчиси Надежда Дорошинани кўриб турибсиз. Коммунистик меҳнат зарбдори деган шарафли номга эга бўлган бу аёл кунлик нормасини 140 процентдан бажариб аъло сифатли маҳсулот ишлаб чиқармоқда.

СУРАТДА: Н. Дорошина.

И. Шоногомов фотоси.

• Коммунист ўйлари

ЮКСАК АКТИВЛИК ВАЗИЯТИДА

Партиямиз XXV съезди қарорлари ҳамда партия ва ҳукуматимизнинг 1978 йилда социалистик мусобақани авж олдириш тўғрисидаги Мактуби асосида меҳнат ва ижтимоий-сиёсий активликни тобора кучайтираётган коллективимиз ой сайин кузатилган ютуқларни қўлга киритмоқда. Лоақал шу йилнинг биринчи кварталида шаҳримиз ва район саноат корхоналари ўртасида ғолиб чиқиб, кўчма Қизил байроқни эгаллаганимизни айтиб ўтиш кифоядир.

Бизда коллективнинг ҳар бир аъзоси ўз ишига юксак масъулият ҳисси билан ёндошади, бутун коллектив меҳнатининг натижаси самарали бўлиши учун кураширади. Шу мақсадда социалистик мусобақанинг, меҳнат ташаббусларининг янгидан-янги формаларини излаб топишга ва уларни кенг қўллашга катта эътибор берилмоқда. КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг «1978 йил планини тўла ва ошириб бажариш учун социалистик мусобақани авж олдириш ҳамда ишлаб чиқариш самарадорлиги ва иш сифатини ошириш кураши ни кучайтириш тўғрисида»ги Мактубида шундай дейилган: «Социалистик мусобақа юксак даражада жўш урган шароитда бошқарув барча бўғинлари ходимларининг, ишлаб чиқариш бирлашмалари ва корхоналар раҳбарларининг олинган социалистик мажбуриятлар ва муқобил планларни бажариш учун ҳамма шароитларни яратиб бериш йўлидаги масъулияти янада кўпроқ ортади. Мусобақанинг ошкоралигини кучайтириш, илғорлар ва новаторларни иззат ва ҳурмат қилиш, уларнинг тажрибаси ва ютуқларини кенг оммалаштириб жорий этиш лозим». Корхонамиз маъмурияти, партия ва касаба союз ташкилотлари ана шу вазифаларни бекаму-кўст амалга ошириш учун курашиб, коллективнинг активлигини янада кучайтирмоқда. Ҳозир коллективимиз аъзоларининг 96 процентдан зиёдроғи социалистик мусобақада қатнашмоқдалар.

Корхонамиз қошидаги клубда ишлаб чиқариш илғорлари ва новаторларининг тажрибалари, ватанпарварлик ташаббусларини кенг ёйиш йўлида кўпгина тадбирлар амалга оширилляпти. Коммунист О. Южний, В. Несвет сингари коммунистик меҳнат зарбдорлари тажрибалари бошқаларга қўл келмоқда.

СССР янги Конституциясининг бир йиллигигача беш йилликнинг уч йили топшириғини бажариш ташаббуси ҳамда янгийўлликларнинг «Сафимизда қолоқлар бўлмасин» ватанпарварлик ташаббуси ҳамкасбларим томонидан қизғин қўллаб қувватланди.

Халқ университетида мураббийлар факультетининг ташкил этилиши ҳам илғорлар тажрибасидан кўплаб ишчилар айниқса ёшларнинг баҳраманд бўлишига катта ёрдам бермоқда. Коммунистлар ҳар ишда пешқадам бўлиш, самарадорлик ва сифатни ошириш йўлидаги курашга бошчилик қилиш билан бирга меҳнат коллективларининг актив ташкилотчилари ва тарбиячилари ҳам бўлмоқдалар. Мусобақада ғолиб чиққан коллективларга атаб «Бизнинг байрокдорларимиз» тематик кечалари мунтазам ўтказилаётганини алоҳида таъкидлаб ўтиш керак.

Биз, коммунистларнинг мақсадимиз фақат ўзимиз эришган юксак марра билан кифояланмай мусобақанинг барча қатнашчиларини ҳам янада юқори рақамларга чорлашдир. Шу мақсадда бизнинг тайёрлов цехимизда мабодо бирон ишчи мажбуриятини адо этмаса, дарҳол бунинг сабабларини чуқур таҳлил этамиз, унга амалий ёрдам берамиз. Мен ўзим бир беш йиллиқда икки беш йиллик топшириғини бажариш юзасидан олган юксак ахдимга вафо қиляпман. Бундан буён ҳам коллектив ўртасидаги социалистик мусобақада пешқадамлар сафида бўлишга интиламан.

А. ВДОВИН,

В. И. Ленин номли электрон-техника заводининг коммунистик меҳнат зарбдори.

БОШ МУХБИРИМИЗДАН

ТОШКЕНТ оқшоми

ҳаётлар

◆ КИМ БЎЛСАМ ЭКАН?

ЭЛ ХИЗМАТИДА

Ўзбекистон ССР савдо министрлигига қарашли Тошкентдаги ўрта махсус ошпазлик-кулинария билим юрти 1941 йилда ташкил этилган эди. Уни ҳозиргача 15 мингдан зиёд ёш битириб чиқди. Улар ҳозир иттифоқимизнинг турли шаҳарларида, санаторий ва пионер лагерларда, мактабларда, касалхоналарда ишлаб, ўз касбларини улуғламоқдалар.

Ҳар йили билим юртимизга 400 дан кўп йигит ва қиз қабул қилинади. Тўрт қаватли ҳашаматли бинода ўқувчилар учун барча шароитлар муҳайё. Ўқишлар ўзбек ва рус тилларида олиб борилади. Ўқиш процесси практик машғулотлар билан, шунингдек кабинет системасида олиб борилади.

Билим юртимизда мустақил практикалар иттифоқ миқёсида ўтказилиб, Ватанимизнинг Ялта, Одесса, каби шаҳарларида, Орол денгизи, Иссиқкўл соҳилидаги оромгоҳларда олиб борилади.

Тошкент ўрта махсус ошпазлик билим юрти ўзига хос традицияларга ҳам эга. Ошпазлик ва қандолатчилик соҳаси бўйича йилига бир неча бор конкурслар ўтказилади. Уларда ўқувчилар ўз қобилиятларини, дидларини, маҳоратларини яна бир марта синаб кўрадилар. Ётоқхона қошида хор ва музика тўгараклари ташкил қилинган. Бу тўгарак аъзолари район ва шаҳар миқёсидаги кўрикларда бир неча бор фахрли ўринларни эгаллашга муяссар бўлган. Физкультура-спорт тўгараклари ҳам ишлаб турибди.

Бу йил билим юртига 600 йигит ва қиз қабул қилинади. Биз эл-юрт хизматида бўлишни хоҳлаган барча ёшларни илм масканига ўқишга таклиф этамиз.

А. ИУЛДОШЕВ,
билим юрти директори.

• Ҳунар - техника билим юртлари чорлайди

КАДРЛАР МАСКАНИ

Ўзбек халқининг қадимги миллий каштачилик санъати сирлари авлоддан-авлодга ўтиб келмоқда. Каштачилик санъатининг ноёб дурдоналарини кўплаб музейларнинг стендларини безаб турибди.

Бу санъат ҳозир ҳам давом этмоқда. Замонавий асбоб-ускуналар, машиналар билан жиҳозланган корхоналарда кўплаб, бир-биридан чиройли миллий буюмлар—кирпеч, зардевол, чойшаб ва бошқа попопчилик маҳсулотлари (ишлаб чиқариляпти.

Ана шу буюмларни тайёрлаш учун сўзсиз малакали ишчи кадрлар керак. Шунинг учун ҳам 1973 йилда Ўзбекистон ССР маҳаллий саноат министрлигига қарашли республика ўқув-ишлаб чиқариш комбинати ташкил этилди. Мана беш йилдирки, комбинатимиз педагогика коллективи республика енгил саноат корхоналари учун кўплаб малакали ишчи кадрлар, амалий санъат сирларини мукаммал эгаллаган ишчилар тайёрлаб бермоқда.

Ўқув-ишлаб чиқариш комбинатимизда ўқувчилар попопчилик ва каштачиликдан ташқари тикувчилик, тикув машиналари механиги, миллий чолғу асбоб буюмлари устаси, гилам тўқувчи, электрчи, наққошлик каби касбларни ҳам ўрганадилар. Машғулотлар ҳам назарий, ҳам амалий тарзда қўшиб олиб борилади. Бу эса ёшларнинг олаётган билимларини чуқурлаштириш, мукаммаллаштириш учун ҳозирлайди.

Йилдан-йилга ўқув даргоҳимизга келаётган ўқувчиларнинг сони ортиб боряпти. Масалан, 1975 йилда ўқув комбинатимизни 710 нафар ёш битирган бўлса, 1977 йилда мингдан ортиқ ўқувчи ҳунар ўрганиб кетди. Улар ҳозир республикамизнинг турли бурчакларида самарали меҳнат қилишяпти.

Биз ўзбек халқи амалий санъатини янада ривожлантириш мақсадида Наманган, Фарғона, Андижон, Хива шаҳарларида ўқув-ишлаб чиқариш комбинатимизнинг филиалларини очганмиз. Бу ерларда маҳаллий ёшлар кўпгина зарур касбларни эгаллашяпти.



Комбинатим и з д а ўқувчиларнинг ҳунар ўрганишлари учун ҳамма нарса муҳайё.

Кенг, ёруғ ўқув машғулоти заллари, кутубхона, клуб ёшларнинг хизматида. Уларга касб ўргатиш учун И. Отахонов, Э. Янбарисов, Ю. Хўжамқулов каби ўқитувчи- мастерларимиз ўзларининг қалб қўрларини тўкишмоқда. Бу йил коллективимиз ўз зиммасига янги оширилган социалистик мажбурият қабул қилган. Бу йил биз 1200 нафар малакали ишчи кадр тайёрлаб берамиз.

Т. РАҲМОНОВ,
Ўзбекистон ССР маҳаллий саноат министрлигига қарашли республика ўқув-ишлаб чиқариш комбинати директори.

СУРАТДА: попопчилик цехи. Ўқувчилар ўзлари тайёрлаган буюмни кўздан кечиряптилар.

• Кўчатлар нега қуримоқда?

ОҚАР СУВ КЕРАК

1-Қорасув массивида ҳовли тўйлари бўлиб ўтганига атиги бир йил бўлди. Бу ерда ҳозир минғдан ортиқ аҳоли барча қулайликларга эга бўлган тўрт қаватли уйларда истиқомат қилишмоқда. Қурувчилар янги биноларни фойдаланишга топширишгача вақтда уйлар атрофига ирригация шохобчалари ўрнатишади. Лекин минг афсуски ана шу суғориш шохобчаларида мана бир йилдирки бирон маротаба сув бўлгани йўқ.

Қурувчиларнинг қилаётган баъзи ишларига жуда ҳайрон бўласан. Уйларни фойдаланишга топшираётган вақтда ирригация шохобчалари билан бирга кўчатлар ўтқазишади. Лекин бу кўчатларни қайси ердаги сув билан таъминлаш ҳақида бош қотирилмайди.

Биз ана шу масала хусусида «Ташгипрогор» лойиҳа институтининг 2-устахонаси лойиҳачи инженерлари билан учрашиб улар билан суҳбатда бўлдик. Уларнинг гапини қарангки бу сув шохобчалари кўчатларнинг қуриб қолмаслиги учун эмиш. Наҳотки шундай бўлса?

Ҳозир массивни айланар экансиз бу ердаги дарахтларнинг сувсизликдан қуриётганини кўрасиз. Нега энди шунча маблағ сарф қилиниб, қурилган ариқларда зилол сув оқмайди. Балки оқар сув йўқ деб ўйларсиз. Асло. Массив қурилгунга қадар бу ерлар катта узумзор бўлган. Сув массивнинг шундай ёнидан ўтадиган Қорасув ариғидан оқиб келган. Нега энди шу ариқ сувидан бир қисмини массивга буриш мумкин эмас? Агар шу иш амалга оширилса массивдаги барча ирригация шохобчалари сув билан таъминланарди. Бу ҳақда шаҳар ободонлаштириш Бош бошқармасидаги масъул ўртоқлар ўйлаб кўришлари керак.

С. ХОЛНАЗАРОВ,
журналист.

КИМ ЭЪТИБОР БЕРАДИ?

Халқлар дўстлиги проспектидаги ДОСААФ меҳмонхонаси ва «Собир Раҳимов» метро станцияси, шунингдек Роҳат ва Наққошлик кўчаларининг баъзи жойларига баҳор ва кузда қайта-қайта кўчат ўтқазилади. Аммо ёзнинг жазирама иссиғида сувсизликдан қуриб қолаётган бу кўчатларга ҳеч ким эътибор бермайди. Мана шу кунларда ҳам бу жойлардаги кўчатларнинг кўпчилиги қаровсизликдан қуриб қоляпти.

Бизнингча, бу кўчатларнинг ҳар йили шу маҳалда қуриб қолаётганига сабаб улар баҳорда шошма-шошарлик билан ўтқазилганлигидир. Баҳор пайтида миллионлаб туп ниҳолларни пала-партиш ерга қадаб кетгандан кўра кўчат ўтқазиладиган жойга сув оқиш - оқмаслиги ўйлаб қўрилса, меҳнат бекорга кетмаслиги учун илгаридан шарт-шароит яратилса яхши бўларди.

Чилонзор район ободонлаштириш бошқармаси раҳбарлари юқорида айтиб ўтилган кўчатларни сақлаб қолиш, бу жойга келаси йили ҳам кўчат ўтказишга ўрни қолдирмаслик учун ташвиш чекиши керак.

К. ХОЛМАТОВ.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»ДА БОСИЛГАНДАН КЕЙИН

«ТОР КЎЧАДА ТОМОША»

9 июнь сонидаги юқоридаги сарлавҳали материалда Октябрь районидаги айрим серқатнов кўчаларда йўлка йўқлиги танқид қилинган эди.

Район ижроия комитетидан олинган жавобда бу масала юзасидан чора кўрилаётгани маълум қилинган.

ГАЗЕТХОН ХАБАР БЕРАДИ...

МАҲАЛЛАДА СУҲБАТ

Собир Раҳимов районидаги Бирлик маҳалласида «Намуна», «Ривож» ва Крупская номли маҳалла аҳли билан район шифокорларининг савол-жавоб кечаси ўтказилди. 15-амбулатория бош врачи Ш. Салимовнинг ҳозирги кунларда ичак ва ошқозон касалликларининг олдини олиш, 9-поликлиника бош врачи К. Аҳмедовнинг ёзнинг иссиқ кунларида киши организмини турли микроблардан сақлаш ва овқатланиш тартиби ҳақидаги суҳбати тўпланганларга манзур бўлди.

Тери касалликларини даволаш диспансери врачи С. Каримов ва бошқа шифокорлар маҳалла аҳлининг саволларига жавоб қайтаришди.

М. ЗАРИПОВ.

...МАҚТАЙДИ...

МУҲИМ ЭЪТИБОР

«Сувенир» фабрикасида меҳнаткашларнинг маданий ҳордиқ чиқаришларига алоҳида эътибор бериляпти. Фабрика бошланғич партия ва касаба союз ташкилотлари бу борада катта ишларни амалга оширмоқда. Йил бошидан бери ишчи ва хизматчилардан 5 киши Германия Демократик Республикаси, Польша Халқ Республикаси, Болгария Халқ Республикаси, Руминия Социалистик Республикасига бориб, 24 кун дам олиб шу мамлакатларнинг диққатга сазовор жойлари билан танишиб қайтдилар. Шунингдек, ишчилардан 2 киши Ўрта ер денгизи бўйлаб саёҳатга бориб келишди.

Ишлаб чиқариш илғорларидан Маҳкам Еқубжонов, Михаил Бутис ва бошқалар бепул путевка билан Сочи ва Ялтага бориб, санаторийда соғлиқларини яхшилашди. Бундан ташқари май-июнь ойлари мобайнида корхона партия ташкилоти ва касаба союз ташкилоти томонидан махсус автобуслар ажратилиб, май, июнь ойларида 4 марта республикамизнинг гўзал жойлари бўлган Оқтош, Тошкент денгизи, Чимён тоғ этакларига бориб, шанба-якшанба кунлари ҳордиқ чиқаришди. Июль, август, сентябрь ойларида касаба союз ташкилоти томонидан махсус автобус ажратиб, меҳнаткашларнинг республикамизнинг турли дам олиш уйларига ва санаторийларига бориб дам олиб келишларини таъминлаш мўлжалланяпти.

Х. ТОЖИМАТОВ.

• Сўраган экансиз...

Энциклопедия қачон пайдо бўлган?

Ҳурматли редакция! Республикамизда нашр этилаётган универсал Ўзбек Совет Энциклопедиясининг жилдларини варақлаб катта бир илм хазинасини топганман бўлдим. Ана шундай бебаҳо китобларнинг — энциклопедияларнинг тарихи ҳақида маълумот берсангиз.

И. ХОЛМИРЗАЕВА, Тошкент политехника институтининг III курс студенти.

Энциклопедиялар турли билимларни системалаштириб жамлаш, улар ҳақида етарли, лўнда, аниқ маълумот бериш асосида вужудга келади. Энциклопедия сўзи грекча сўз бўлиб, «фанлар мажмуи» деган маънони англатади. Энциклопедик характердаги ишлар бир неча минг йиллик тарихга эга. Қадимги Грецияда Демокрит ва Аристотелнинг асарлари ўша даврнинг кўпчилик фанларини қамраб олганлиги билан энциклопедик характердаги асарлардир.

Ҳақиқий энциклопедик асар Абу Наср Форобийнинг «Илмлар рўйхати» ҳисобланади. Бу асар ўз замонасининг бошқа асарларига нисбатан турли билимларни қамраб олишига кўра тўлиқлилиги ва системалашганлиги билан ажралиб туради. Кейинчалик Ибн Сино «Донишнома» («Билимлар китоби») номли энциклопедик трактат яратган.

Ўрта асрларда Ғарбий Европада яратилган системалашган турли энциклопедиялар бизгача етиб келган. Буларнинг ичида доминикан-лик монах Винцент томонидан тузилган «Катта кўзгу» номли энциклопедия ўзининг кенглиги жиҳатидан ажралиб туради. XVIII асрда буюк философ Дени Дидро раҳбарлигида чиқарилган «Энциклопедия ёки фан, санъат ва ҳунармандчиликнинг изоҳли луғати» номли асар француз маърифатчилигида муҳим роль ўйнайди. Бу даврда Шотландияда матбаачи У. Смелли томонидан III томлик «Британия энциклопедияси» нашр этилди. Бу Англия миллий энциклопедиясининг йирик нашри сифатида кейинчалик ҳам бир неча маротаба чоп этилди. XIX асрда Германияда Брокгаузнинг «Сўзлашув луғатия», Францияда «XIX асрнинг катта умумий луғатия» каби энциклопедиялар чиқарилди. Бу китоблар ўша давр ўқувчиларининг севимли китобларига айланиб кетди. Булардан ташқари, Францияда 1885—1901 йилларда «Катта энциклопедия» нашр этилди. XIX—XX асрларда Европанинг деярли ҳамма мамлакатларида энциклопедиялар нашр этила бошлади.

XIX асрда чиққан барча энциклопедиялар ичида энг чалкаши Эрш ва Губернинг «Фан ва санъатнинг умумий энциклопедиясидир. Ундаги кўп мақолалар чўзилиб кетганлигига (масалан, «Греция» мақоласи 8 жилддан иборат) қарамай, ҳатто оддий бир маълумотни топиш мушкул эди. 70 йил нашр этилиб, ниҳоясига етказилмаган (167 жилди сўз ва 14 жилди расмдан иборат), Ғарбий Европадаги энциклопедиялар ичида ҳажми жиҳатидан биринчи ўринни олган бу асар ниҳоятда эҳтиросли ёзилган.

Совет ҳокимиятининг дастлабки йилларидан бошлаб тўлиқ, том маънодаги универсал энциклопедиялар яратишга катта эътибор берилди. 1925—47 йилларда «Катта Совет Энциклопедияси»нинг 66 жилдлик биринчи нашри чиқарилди. 1949—59 йилларда мазкур нашр иккинчи маротаба 51 жилдлик қилиб нашр этилди.

«Катта Совет Энциклопедияси»нинг иккинчи нашри билан биринчи нашрини солиштириб кўрган киши ҳайратда қолади. Биринчи нашрдаги 5 жилдда 65 минг мақола чоп этилган бўлса, иккинчи нашрнинг 51 жилдида 100 мингга яқин мақола берилган. Ҳозирги даврда «Катта Совет энциклопедиясининг учинчи нашри босиб чиқарилмоқда. Шу кунга қадар унинг 27 жилди босмадан чиқди.

Ўзбекистонда универсал қомус яратиш ишига 70 йиллардан киришилди. 1966 йилдан Ўзбек Совет Энциклопедиясининг сўзлиги устида иш олиб борилиб, ниҳоятда қисқа давр ичида 5 жилддан иборат 60818 терминни ўз ичига олган 130 босма табоқдан иборат сўзлик 1967 йил февралгача тузиб чиқилди. Мазкур сўзлик илмий секциялар да тасдиқланган сўнг 1967 йили Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 50 йиллик юбилейига Ўзбек Совет Энциклопедияси I жилдининг макети босилиб чиқди. Шу кунгача Ўзбек Совет Энциклопедияси Бош редакцияси коллективи республикамизнинг йирик олимлари ва мутахассислари билан ҳамкорликда Ўзбекистонда биринчи марта нашр этилаётган ўзбек тилидаги универсал комусининг ўнинчи жилдини босмадан чиқардилар.

К. РИХСИЕВ,
Ўзбек Совет Энциклопедиясининг илмий редактори.

• Редакция почтасидан

Китоб мухлислари мамнун

Жамоатчилик асосида ишловчи халқ китоб магазинлари турли адабиётларни меҳнаткашлар ва ўқувчилар ўртасида тарқатишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Бундай магазинлардан бири ўтган йили «Жилстрой» трестининг 3-йирик панелли уйсозлик заводи қошида иш бошлади ва тез кунда китобхонлар эътиборини қозонди.

Зиёхонанинг ташкил этилишида завод партия ташкилотининг секретари Э. Г. Магир, китобсеварлар жамияти бошланғич ташкилоти раиси О. И. Афанасьев ва 15-китоб магазини маъмурияти ташаббускорлик кўрсатдилар. Натижа ёмон бўлмади, ўтган йилнинг ўзида ишчи ва хизматчиларга 2140 сўмлик адабиётлар сотилди. Шу жумладан 450 сўмлик ижтимоий-сиёсий адабиётлар реализация қилинди.

Шу нарса диққатга сазоворки, адабиётлар биринчи навбатда китобсеварлар жамияти аъзоларига сотилади. Заводда ташкил этилган китобсеварлар жамияти бошланғич ташкилоти корхона меҳнатчиларининг деярли 25 процентини ўз сафига бирлаштирган.

«Қурувчи» деб аталувчи халқ китоб магазинига корхона техника кутубхонаси кутубхоначиси, фаол жамоатчи Татьяна Камолова директор этиб сайланган. У олдиндан ихлосмандлар истаган адабиётларни ёзиб олиб, турли нашрларга буюртмалар қабул қилади. 15-китоб магазини маъмурияти эса завод ишчиларининг истакларини имкони борича яхши қондиряпти. Халқ китоб магазинлари ҳақидаги қоидага мувофиқ адабиётлар сотилишидан тушган пулнинг беш процентини завод китобсеварлар жамияти бошланғич ташкилоти ҳисобига ўтказилади. Шу ҳисобдан энг фаол китоб тарқатувчилар рағбатлантирилади.

Корхона ишчилари халқ китоб магазини хизматидан мамнун. Комплекс бригада бошлиғи, шаҳар Советининг депутати Нодир Тоиров бу ҳақда гапириб шундай деди:

—Китоб магазини ўзимизга зарур ҳар қандай адабиётни олиб ўқишимизга имкон туғдирялти. Китоб эса кишини ҳам ғоявий, ҳам маънавий жиҳатдан тарбиялайди.

Р. САИДҲОСИЛОВА,

Китобсеварлар жамияти Октябрь район бўлимининг масъул секретари.

2 ЮШКЕНТ бет ОҚШОМИ

21 ИЮЛЬ, 1978 й.

Пешқадамлар сафида

Қишлоқ хўжалик техникаси қанча кўп бўлса, деҳқонлар меҳнати шунча осонлашади. Буни яхши ҳис этган пойтахтнинг трактор заводи коллективи бу йил она-Ватанга 4500 та МТЗ-80Х трактори, 25 мингта Т28 — Х4М трактори, 38 минг прицеп ва 4 минг 160 минг сўмлик эҳтиёт қисмлар тайёрлаб беришга аҳд қилган. Мана шундай улкан вазифани бажариш учун барча цехларда иш мусобақа асосида қизғин тус олмоқда.


Ўзаро социалистик мусобақада корхонанинг зарбдор ишчиларидан И. Г. Балин ва Б. И. Соловьёвлар пешқадамлик қилишяпти. Бу меҳнат илғорлари вақтдан унумли фойдаланиб бир йиллик шартсий план топшириқларини 2.5 йилда бажариб қўйишди.

Заводнинг 1-цехида комсомол-ёшлар бригадаси меҳнат қилади. Бригаданинг асосий вазифаси прицепларни йиғишдан иборат. Бу бригадага В. Есипов бошчилик қилмоқда.

— Заводимизда 53 комсомол-ёшлар бригадаси бор. — дейди 1-цех комсорги Владимир Староверов, — улар бир-бирлари билан мусобақадош. Июнь ойи якуни бўйича В. Есипов бригадаси иккинчи ўринни олди. Бригада комсомоллари В. Нишонбоев, А. Хушматов, З. Имонжонов, С. Аваз-матов, Н. Бегмонов-ларининг номларини ҳурмат билан тилга олишади. Чунки улар ўзларининг самарали меҳнатлари билан бошқаларга ўрнак бўлишмоқда.

Бригада комсомоллари вақтдан унумли фойдаланган ҳолда кунлик план топшириқларини 125—130 процентга етказиб бажаришяпти. Улар йиллик планни СССР Конституциясининг бир йиллиги кунигача бажариш ниятидалар.

М. ОРИПОВ.



СУРАТДА: заводнинг 1-цехи конвейеридан чиққан тайёр прицеплар. Улар вагонларга ортилиб колхоз ва совхозларга жўнатишга ҳозирлаб қўйилган.

Х. Мирзакаримов фотоси.

СПРАВКАЛАР БЮРОСИ

ХАТЛАРГА ЖАВОБ БЕРАМИЗ

Н. КАМОЛОВА: Мен экскурсоводликка жуда қизиқаман. Шаҳримизда шу касбни ўргатадиган курслар бор экан. Ана шу курсларга кимлар қабул қилинади?

Жавоб: Гапингиз тўғри. Чиндан ҳам Тошкент саёҳат ва экскурсиялар бюроси қошида экскурсоводликка ўргатадиган махсус курслар бор. Олти ойлик бундай курсларга фақат олий маълумотли кишиларгина қабул қилинадилар. 39-13-11 рақамли телефонга қўнғироқ қилсангиз, курсга қабул қилиш шартлари хусусида тўлиқ маълумотга эга бўласиз.

* * *

Ш. РИХСИЕВА, ОЛИМЖОНОВА: Хурматли редакция! Туғруқхонадан фарзандликка бола олган аёлларга жорий этиладиган имтиёзлар ҳақида маълумот берсангиз.

Жавоб: Бола туғиб тарбияларган оналар учун белгиланган имтиёзлар туғруқхонадан фарзандликка бола олган аёлларга ҳам жорий қилинади. Бундай аёлларга болани фарзандликка олган кунидан бошлаб бола туғилган кунга 56 кун тўлгунча касаллик варақалари берилиши керак. У аёллар ўша муддат учун одатдаги туғруқ нафақасини ҳам оладилар. Туғруқхонадан фарзандликка бола олган ишчи ва хизматчи аёлларга иш ҳақи тўланмаган ҳолда қўшимча отпуска берилиши мумкин. Ишда танаффус бўлиб қолган тақдирда уларнинг меҳнат стажи сақланади.

* * *

Ш. ҲОЖИЕВ: Шаҳримизда бузилиб қолган телефон аппаратларини тузатадиган устахона борми?

Жавоб: Шаҳримизнинг Куйбишев кўчасидаги 1-уйга жойлашган телефон тармоқлари бошқармасига бу масалада мурожаат қилишингиз мумкин. У ерда телефон аппаратлари тузатиб берилади.

* * *

У. ИСЛОМОВ: Бизда макулатуралар ўрнига бадиий адабиётларни берадиган пунктлар бор экан. Шу пунктларнинг адресини берсангиз.

Жавоб: Тошкентда макулатуралар ўрнига бадиий адабиётларни берадиган ўн бешта пункт бор. Бу ерда аҳолидан макулатура қабул қилиб олинади. Бундай пунктлар шаҳримизнинг турли бурчакларига жойлашган. Бинобарин, Сиз Чилонзор массивида истиқомат қилар экансиз, шу массивнинг 6-кварталида ҳам ана шундай пункт бор. У ерга макулатураларни олиб келиб топширишингиз, ўрнига эса бадиий адабиётларни олишингиз мумкин. Бундан ташқари Пролетар кўчасидаги 2-уйда. Тимирязев кўчасидаги 46-уйда ҳам ана шундай пунктлар бор.

КУЧА ТАСОДИФЛАРГА ТУЛА

ГАИ АХБОРОТИ

Айрим ҳайдовчиларда шундай фикр пайдо бўлиб қолганки, улар машиналарни шаҳар ташқарисига ҳайдаб чиқишлари билан йўл ҳаракати қонун қоидаларини бажармасликка ўтиб оладилар. Ана шундайлардан бири САНГС 6-қурилиш бошқармасининг бригадири Рамил Шарипов бўлиб чиқди.

У ўзининг «Жигули» машинасига ўтиришдан аввал озгина ичимликни отиб олди. Тошкент — Чимкент автомобиль трассасида белгиланган тезликни назарига илмай машиналарни қувиб ўтишга ҳаракат қилаверди. Натижада ГАЗ—93 маркали автомашинани қувиб ўтаётганида кўнгилсиз ҳодиса юз берди. Натижада Р. Шариповнинг ўзи жароҳатланди, «Жигули» машинаси пачақланди.

Тошкент шаҳар Давлат автомобиль инспекцияси маъмурий комиссиясининг қарори билан ана шу ҳайдовчи икки йил муддатга автомобиль ҳайдаш ҳуқуқидан маҳрум этилди ва 30 сўм жарима пули ундириб олинди.

Ер қобиғи планетамизнинг қаттиқ пўсти ҳисобланиб, унинг қалинлиги океанлар суви остида 6-8 километр, қуруқликда эса 30-75 километр бўлади. Океан қобиғи асосан бир қаватдан — базальт тоғ жинсларидан ташкил топган бўлиб, ҳамма жойда ярим километрдан ортиқроқ чўқинди жинслар билан қопланган. Қуруқликда қобиғ ўзаро алмашиб қатланадиган тоғ жинсларидан иборат бўлиб, улар остида шартли базальт, устида гранит қатлами ётади. Сўнг уларни қалин чўқинди жинслар қоплайди.

Юзаки қараганда ана шу ер қобиғи қотиб қолган ва ҳеч ҳаракатсиздек кўринади. Бундан қирқ-эллик йиллар илгари қарийб ҳамма геолог-олимлар Ер ҳаракатсиз ва унинг «ҳаёти» бир неча миллион йиллар муқаддам сўнган, деб ўйлашар эди. Ҳозир эса мутахассислардан ҳеч ким ер қобиғининг сал кам ҳамма жойда секин бўлса ҳам ҳаракатда эканлигини инкор этмайди.

Кейинги йилларда бу ҳақда мутахассислар жуда ишонарли ва қизиқарли далиллар топдилар. Ер қобиғининг табиий ҳаракати катта инженерлик иншоотлари қурилган, шаҳарлар барпо этилган ва ер бағридан ҳар йили миллионлаб тонна нефть, газ, кўмир, руда ва бошқа фойдали қазилмалар олинаётган бир пайтда бу ҳаракат ҳисобга олинмаса, ер қобиғининг ҳаракатини ўрганиш ва башорат қилиш ишларини олиб бориш мумкин эмас.

Ер қобиғининг ҳаракатини ўрганиш ва башорат қилиш ишларини олиб боришда Ўзбекистон олимлари ҳам муҳим ишларни амалга оширмоқдалар. Ўзбекистон ҳудудида ер қобиғининг ҳаракатини ўрганиш учун махсус станциялар ташкил этилган. Бу станцияларда ер қобиғининг ҳаракатини ўлчаш учун махсус асбоблар ишлаб турибди. Ер қобиғининг ҳаракатини ўрганиш ишларини Ўзбекистон Фанлар академиясининг Ер физикаси институти олиб боради.

Ер қобиғининг ҳаракатини ўрганиш ишларини олиб боришда Ўзбекистон олимлари ҳам ўзларига хос бир усулни ишлаб чиқдилар. Бу усул ер қобиғининг ҳаракатини ўлчаш учун махсус асбоблар ўрнатилган ер ости сувларидан фойдаланишга асосланган. Ер қобиғининг ҳаракати ер ости сувларининг ҳаракатига ўз таъсирини ўтказади. Ер қобиғининг ҳаракатини ер ости сувларининг ҳаракатини ўлчаш орқали аниқлаш мумкин. Масалан, Нижне Обская сув омбори қурилса Ғарбий Сибирь шимолида ясланиб ётган Сибирь пасттекислигида нималар бўлишини бир хаёлингизга келтириб кўринг: аввало бу ерларда грунт сувлари ер сатҳидан 0,3—1,5 метр пастда жойлашган. Шунинг учун ҳам сув омбори туфайли сезилар-сезилмас ер қобиғининг букилиши пасттекисликнинг ботқоқликка айланишига сабаб бўлади. Бу ўз навбатида у ерлардаги табиий ҳолатда ҳам қийин бўлган шароитларни мураккаблаштириб, бу ердаги нефть-газ конларини излаш ва қазиб олиш яна ҳам қийинлашар эди. Шунинг учун ҳам Нижне-Обь ГЭС қурилишининг проекти бекор қилинди. Демак, олим ва инженерлар ер қобиғи «қилиқлари»нинг чуқур сабабларини билиб олган эканлар, албатта, катта иншоотлар қурилгач содир бўладиган ёмон иллатларнинг олдини олиш ҳақида ҳам олдиндан бош қотирадилар.

Шулар қатори, Ўрта Осиёда қурилаётган барча иншоотлар, жумладан сув омборлари олдиндан Ўзбекистон Фанлар академияси Ҳ. М. Абдуллаев номидаги Геология ва геофизика институти ҳодимлари томонидан муфассал ўрганилади ва махсус хулоса сифатида керакли проект институтларига топширилади.

М. ЗОКИРОВ,
геология ва минерология фанлари доктори.

◆ ОНА-ЕРНИ ЎРГАНАМИЗ

ЕР ҚОБИҒИНИНГ «АСАБИ» БУЗИЛСА...

Ер қобиғи планетамизнинг қаттиқ пўсти ҳисобланиб, унинг қалинлиги океанлар суви остида 6-8 километр, қуруқликда эса 30-75 километр бўлади. Океан қобиғи асосан бир қаватдан — базальт тоғ жинсларидан ташкил топган бўлиб, ҳамма жойда ярим километрдан ортиқроқ чўқинди жинслар билан қопланган. Қуруқликда қобиғ ўзаро алмашиб қатланадиган тоғ жинсларидан иборат бўлиб, улар остида шартли базальт, устида гранит қатлами ётади. Сўнг уларни қалин чўқинди жинслар қоплайди.

Юзаки қараганда ана шу ер қобиғи қотиб қолган ва ҳеч ҳаракатсиздек кўринади. Бундан қирқ-эллик йиллар илгари қарийб ҳамма геолог-олимлар Ер ҳаракатсиз ва унинг «ҳаёти» бир неча миллион йиллар муқаддам сўнган, деб ўйлашар эди. Ҳозир эса мутахассислардан ҳеч ким ер қобиғининг сал кам ҳамма жойда секин бўлса ҳам ҳаракатда эканлигини инкор этмайди.

Кейинги йилларда бу ҳақда мутахассислар жуда ишонарли ва қизиқарли далиллар топдилар. Ер қобиғининг табиий ҳаракати катта инженерлик иншоотлари қурилган, шаҳарлар барпо этилган ва ер бағридан ҳар йили миллионлаб тонна нефть, газ, кўмир, руда ва бошқа фойдали қазилмалар олинаётган бир пайтда бу ҳаракат ҳисобга олинмаса, ер қобиғининг ҳаракатини ўрганиш ва башорат қилиш ишларини олиб бориш мумкин эмас.

Ер қобиғининг ҳаракатини ўрганиш ишларини олиб боришда Ўзбекистон олимлари ҳам ўзларига хос бир усулни ишлаб чиқдилар. Бу усул ер қобиғининг ҳаракатини ўлчаш учун махсус асбоблар ўрнатилган ер ости сувларидан фойдаланишга асосланган. Ер қобиғининг ҳаракати ер ости сувларининг ҳаракатига ўз таъсирини ўтказади. Ер қобиғининг ҳаракатини ер ости сувларининг ҳаракатини ўлчаш орқали аниқлаш мумкин. Масалан, Нижне Обская сув омбори қурилса Ғарбий Сибирь шимолида ясланиб ётган Сибирь пасттекислигида нималар бўлишини бир хаёлингизга келтириб кўринг: аввало бу ерларда грунт сувлари ер сатҳидан 0,3—1,5 метр пастда жойлашган. Шунинг учун ҳам сув омбори туфайли сезилар-сезилмас ер қобиғининг букилиши пасттекисликнинг ботқоқликка айланишига сабаб бўлади. Бу ўз навбатида у ерлардаги табиий ҳолатда ҳам қийин бўлган шароитларни мураккаблаштириб, бу ердаги нефть-газ конларини излаш ва қазиб олиш яна ҳам қийинлашар эди. Шунинг учун ҳам Нижне-Обь ГЭС қурилишининг проекти бекор қилинди. Демак, олим ва инженерлар ер қобиғи «қилиқлари»нинг чуқур сабабларини билиб олган эканлар, албатта, катта иншоотлар қурилгач содир бўладиган ёмон иллатларнинг олдини олиш ҳақида ҳам олдиндан бош қотирадилар.

Шулар қатори, Ўрта Осиёда қурилаётган барча иншоотлар, жумладан сув омборлари олдиндан Ўзбекистон Фанлар академияси Ҳ. М. Абдуллаев номидаги Геология ва геофизика институти ҳодимлари томонидан муфассал ўрганилади ва махсус хулоса сифатида керакли проект институтларига топширилади.

М. ЗОКИРОВ,
геология ва минерология фанлари доктори.

ЁЗ МАВСУМИ: ҚАНДАЙ ДАМ ОЛЯПСИЗ?

ТОҒЛАР БАҒРИГА

Саратон иссиғида унумли меҳнатдан сўнг соя-салқин ором-ғоҳларда мириқиб дам олгингиз келади. Ана шунда Сиз Тошкент вокзалидан «Саломатлик» поездига ўтириб Чирчиқ, Чорвоқ, Чимён томонларга бориб кўнгилли ҳордиқ чиқариб қайтишингиз мумкин.

Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси 50 йиллиги номли тикув ишлаб чиқариш бирлашмасида ҳар шанба, якшанба кунлари юзлаб ишчилар шаҳримиз атрофидаги оромгоҳларга йўл олишмоқда. Бирлашма касаба союз комитети Чимёнда ўзининг 9 гектарлик янги дам олиш зонасини барпо қилмоқда. Ишчилар бу ерга группа ва оилавий бўлиб чиқишиб қурувчиларга яқиндан ёрдам бериш билан бирга, дам олиб қайтмоқдалар.

Шу йилнинг ярим йили мобайнида корхона ишчи ва хизматчилари учун 177 та туристик, санаторийга 34 та ва дам олиш уйига 43 та путёвка ажратилди. Ҳозиргача икки юзга яқин ишчи мамлакатимиз ва республикамизнинг энг хушманзара ерларига жойлашган санаторий ва дам олиш зоналарида дам олиб, шифо топиб қайтишди. Корхона маъмурияти меҳнат ветеранларининг яхши дам олиб қайтишига алоҳида аҳамият бермоқда. Яқинда меҳнат ветерани Александр Меркул кўнгилли дам олиб келди.

Ҳозир ишчи ва хизматчиларнинг фарзандларидан 150 ўқувчи «Гагарин» номли пионер лагерида дам олмоқда. Иккинчи ва учинчи сменада бу ерда корхонанинг яна 300 га яқин кичкинтойи ҳордиқ чиқаради.



Завқ-шавқ билан

Мактаб ўқувчиларининг ёзги таътил кунларини пойтахтдаги шаҳар болалар туристик экскурсион станциясининг тўгарак қатнашчилари ҳам завқ-шавқ билан ўтказишмоқда. Ёш ўлкашунослар Александр Николаевич Штарклов раҳбарлигида серқуёш Ўзбекистоннинг тоғлик районида бўлиб бир ҳафталик туристик саёҳатдан қайтиб келишди.

Тўгарак аъзолари денгиз сатҳидан 2 минг метр баландликдаги Алим довони, Чотқол дарёсининг ўнг қирғоғи, Оқбулоқ, «Оби раҳмат» бўйлаб 85 километрлик масофани яёв босиб ўтишди. 33 ўқувчи СССР туристи нормасини бажарди. 27 ўқувчи эса туризм бўйича учинчи разрядга эга бўлди.

СУРАТЛАРДА: поход пайти ва тоғ этагидаги палаткалар.

Ҳ. Шодиев фотолари.

НАМУНАЛИ ЎТМОҚДА

Акмал Икромов район халқ маорифи бўлими райондаги мактаб ўқувчилари ва ўқитувчиларининг ёзнинг иссиқ кунларида кўнгилли дам олишларини намунали ўтказмоқда. Ўқувчилар билан бирга ўқитувчилар ҳам мамлакатимиз ва республикамизнинг ажойиб хушманзара ерларига жойлашган оромгоҳларда бўлишиб, ҳордиқ чиқаришмоқда. Шу ҳақда район халқ маорифи бўлими касаба союз комитети раиси Мавлуда Каримовна ЮНУСОВА мухбиримизга қуйидагиларни гапириб берди:

— Райондаги ўн бешта мактабда ёзги пионер дам олиш лагерлари ташкил этилиб унинг ҳар бирида юздан ортиқ ўқувчи ҳордиқ чиқармоқда. 26-кварталдаги 107-мактабда, 11-кварталдаги 74-мактабда ва Октепадаги 81-мактаблар қошида ташкил этилган пионер лагерлари сўлимлити ва кичкинтойлар учун яратилган ҳар хил қулайликлари билан диққатга сазовордир. Бундан ташқари фақат ўқитувчиларимизни н г фарзандлари учун иккита — «Пионер тонги» ва «Катер» пионер лагерлари ташкил қилинган бўлиб, бу ерда ҳамкасабларимизни и н г 100 фарзанди дам олмоқда.

Учинчи кварталда йигирма ўқитувчимиз санаторийларга боради. 15 киши эса туристик сафарда бўлиб, мамлакатимиз шаҳарлари билан яқиндан танишади. Яна шунча киши республикамиздаги энг сўлим дам олиш уйларида ҳордиқ чиқаради.

Соя—салқин жойда

Ёзнинг жазирама иссиғи авжига чиққан кунлари соя-салқин жой ва лагерларда маза қилиб дам олишга нима етсин. Собир Раҳимов районидаги 139-мактаб ўқувчилари ана шундай имкониятлардан тўла баҳраманд бўлмоқдалар. Мактабда юздан ортиқ пионер ва ўқувчига мўлжалланган лагерь ишлаб турибди.

— Биринчи сменада юз бола дам олган бўлса, иккинчи сменада юздан ортиқ ўқувчиларимиз ҳордиқ чиқаришмоқда,— дейди мактаб бош пионер вожатийси Фарида Хўжаева.

Шуни айтиш керакки, бу ерда бичиш-тикиш, тўқиш, шахмат-шашка, рассомлик, волейбол, футбол сингари спорт секциялари мунтазам ишлаб турибди.

Ҳозир мактабда учинчи сменада дам олувчиларни қабул қилишга тайёргарлик кетмоқда.

Август ойида бўладиган учинчи сменада юздан ортиқ ўқувчи дам олади.

Ф. НУРИДДИНОВ.

ЖАҲОН ОЙНАСИ

«МАККАРТИЗМ РУҲИ»

ЛЮКСЕМБУРГ. Европа иқтисодий ҳамжамияти Хельсинкидаги Умумевропа кенгаши якунловчи актининг қоидаларини назар-писанд қилмай, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини бузишни давом эттирмоқда.

Европа иқтисодий ҳамжамияти ва Европа парламенти органлари ходимларининг бош касаба союзи бу ерда эълон қилган ахборотда айтиладики, Европа парламентининг Люксембургдаги биносида телефон орқали сўзлашаётганларни н г гаплари махфий равишда ёзиб олинмоқда. «Хавфсизликни таъминлаш» баҳонаси остида халқаро амалдорлар кетидан пойлоқчилар қўйилган. Касаба союзи бу хилдаги ҳаракатларни қатъиқ қоралаб, буни «инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига жиддий қасд қилиш»дан бошқа нарса эмас, деди.

МЕҲНАТКАШЛАР МАНФААТИГА ЗИД

ҚОҲИРА. Миср Ғарбнинг молиявий ташкилотлари билан алоқани кенгайтираётганлиги мамлакатдаги кенг меҳнаткашлар оммасининг моддий аҳволига тобора ёмон таъсир қилмоқда.

Мисрнинг халқаро валюта фонди билан тузган кейинги асоратли битимида қўйилган шартларни бажариш оқибатлари анализ қилинганида шу нарса маълум бўлдики, бу битим Миср ҳукумати зиммасига бир қанча «соғломлаштириш чоралари комплексини» ўтказиш мажбуриятини юклаган. Бунинг эвазига бу йил мамлакат мазкур фонддан 120 миллион доллар пул олади, холос. Миллий-прогрессив (сўл) партия органи «Ал аҳоли» газетасининг ёзишига қараганда, Миср фунтини Ғарб валюталарига нисбатан ҳақиқатда девальвация қилиш шундай чораларнинг биридир. Бундан ташқари, Миср биринчи даражада зарур моллар учун молиявий қарз беришни бекор қилиш ва давлат компанияларига ўз маҳсулотлар и н и н г нархларини бемалол белгилаш эркинлигини бериб қўйиш ҳам тавсия қилинган. Бу эса ҳукуматнинг нархлар устидан контроллик қилишини анча сусайтиради.

Шу йилнинг охиригача амалга оширилиши лозим бўлган мана шу барча тадбирлар натижасида мамлакатда саноат ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларидан кўпгина турларининг нархлари тез кўтарилаверади. «Ал аҳоли» газетасининг ёзишига қараганда, йилнинг иккинчи ярмида мисрликлар айни бир хилдаги моллар ва хизматларнинг ҳақини тўлашга қўшимча равишда 200 миллион фунтга яқин пул сарфлашга мажбур бўладилар. Бу оғирликнинг катта қисми ҳамиша бўлганидек аҳолининг камбағал ва меҳнаткаш табақалари устига тушадики, бу нарса ҳеч кимга сир эмас.

ТИНЧЛИК АСОСИДА

АДАН. Яман Халқ Демократик Республикаси президентлик кенгашининг раиси Носир Муҳаммад бу ерда Фаластин Озодлик ташкилоти «Фатҳ» раҳбарлигининг аъзоси Хоний Ҳасан бошчилигидаги шу ташкилот делегациясини қабул қилиб сўзлаган нутқида айтдики, Яман Халқ Демократик Республикаси қўшни мамлакатлар билан муносабатларни тинчлик асосида яхшилашга бутун кучини сарфлайди.

САВОДСИЗЛИКНИ ТУГАТИШ ЙЎЛИДА

ДЕҲЛИ. Штатлар ва иттифоқ территориялари министрлари нинг Ҳиндистонда маориф проблемаларига бағишлаб ўтказилган ва бу ерда ўз ишини тамомлаган уч кунлик конференцияси қатнашчилари мамлакатда таълим системасини, шу жумладан бошланғич, ўрта ва олий таълим системасини тубдан қайта қуришни белгиладилар. Конференцияда нутқ сўзлаган бош министр Моражи Десан ва министрлар шуни таъкидладиларки, таълим системасини қайта қуриш саводсизликни тугатиш ва аҳолининг маълумот даражасини оширш имконини беради. Бу эса Ҳиндистоннинг социал-иқтисодий тараққиёт йўлидан олға боришда гоят муҳим шарт-шароитдир.

1983 йилга борибмамлакатда 6 ёшдан 14 ёшгача бўлган болалар учун бошланғич маълумот таъминланади, қишлоқ жойларда бошланғич мактаблар анча кўпаяди, давлат ўқув юртлари ортади. Ўқитувчиларнинг профессионал тайёргарлигини яхшилаш, меҳнат тарбиясини жорий этиш тадбирлари ишлаб чиқилди. Қолоқ тоғли ва чўл районларида таълим беришга алоҳида эътибор жалб қилинмоқда. Бу районларда жамиятнинг энг қашшоқ табақаларига мансуб бўлган қабилалар истиқомат қилади.

1978—1983 йилларда Ҳиндистонни ривожлантириш беш йиллик планида 15 ёшдан 35 ёшгача бўлган 65 миллиондан зиёд кишини саводхон қилиш кўзда тутилади.

(Давоми. Боши газетанинг ўтган сонларида).

Азиз НЕСИН

ФУТБОЛ КИРОЛИ

— Аҳмад, жонгинам, яна бир оз чида. Ахир сенга пул тўлашяпти-ку! Кулги учун...

— Ким кимнинг устидан кулаётганини билолмай қолдим! Сенинг ўша «нусханг» менинг устимдан куляпти чоғимда... Ялинмай қўяқол, мен адо бўлдим!

— Энди унга футболимиз тарихини ўргатишни топшир.

Аҳмадга бу фикр ёқди, машғулотлар давом эта бошлади.

— Энди биз, биродар, шонли ватанимиз футболи тарихини ўрганишни бошлаб юборишимиз керак...

Саид кутубхонадан чиқмай қўйди. У газета подшивкаларини варақлар, журналларни ўқир, Аҳмад ҳақида шунчалик кўп ва тез-тез ёзилганига ажабланарди...

Бир куни эркаклар машғулотни тугатган пайтларидан залга кириб келган Баррин хоним пол бўр билан чизиб қўйилганини кўрди. Зудлик билан мадам Анжела чақирилди ва у ўзининг тажрибали кўзи билан дарҳол бу футбол майдони эканлигини аниқлади.

Амма ҳамма нарсадан Рафиқни воқиф қилишни пайсалга солиб ўтирмади. Доктор сўнгги янгиликлардан мамнун бўлди ва Саид бутунлай соғайиб кетиш арафасида турганини айтди.

Саиднинг ўзи ҳам авваллари ҳеч қачон бунчалик бахтиёр бўлмаганди! Эндиликда унинг кундалик ишлари бошидан ошиб ётарди, душанба, пайшанба кунлари ҳузурига профессор Аҳмад келар, бошқа кунлари навбати билан доктор Рафиқ ва унинг дўсти профессор-никига борарди.

Хуллас бош қашигани қўли тегмасди.

ТРЕНЕР ТОМПСОННИНГ МУСИБАТЛАРИ

Охири Аҳмад Девор бу телбалар уйи жонига текканини ва у Саид билан шуғулланишни бас қилажагини қатъий айтадиган кун ҳам етиб келди.

— Миллион берса ҳам ундан воз кечаман.

— Лекин, жонгинам...

— Ҳеч қанақа «жонгинам-понгинамни» кераги йўқ!»— Аҳмад қаттиқ турарди. — Бирдан-бир қўлимдан келадиган иш шуки, ўша «нусхангина», инглиз Томпсонга рўпара қилиб қўйишим мумкин. Машғулотларга бормаётганлигимиз учун бу кофир бизга тишини кайраб юрибди... Майли, Саид билан шуғулласин қолсин. Инглиз бизда узоқ вақт туролмайди, яқинда шартнома муддати тугайди...

— Ўтинаман, жонгинам, ахир Томпсон менинг «нусхам»ни ростакамига футбол ўйнашга мажбур этиб, адойи тамом қилади-ку. Уни росса югуртиради, ноилож секраш, чопишга тўғри келади, ўзинг биласанки, унинг жони танасида лиқиллаб турибди... Тағин тўғрача ўлиб қолмасин, оллоҳ, шоҳид, унга жуда-жуда раҳмим келади...

— Тўйни чўзиб ўтиришни ҳечам кераги йўқ. Ойимгга айт, тирноқ орасидан кир қидиришни йиғиштирсин... Уйга гул қоғоз ёпиштириб, жиҳозлаб бўлиши биланоқ ишга киришинглар.. Томпсон бўлса сенинг ўша «нусхангга нима кераклигини билиб олади...

Аҳмад ўз сўзида турди: у инглизга Саид ҳақида гапириб берди. Гарчи у пулга муккасидан берилган бўлса-да, бу сафар тўнини тескари кийиб, бой ҳаваскор билан шуғулланишга рози бўлмади. Томпсон фақат профессионализмни тан оларди. Ҳеч бўлмагач Аҳмад инглизнинг инсонпарварлигини ораға солиб, Саиднинг аҳволи ёмонлигини, врачларнинг айтишига қарағанда уни ҳаётга фақат спорт ва биринчи галда профессионал футбол қайтариши мумкинлигини тушунтирди.

Ниҳоят Томпсон таслим бўлди.

Саидга эса футбол фанлари профессори бу гапни осонгина тушунтирди: тайёргарликнинг назарий қисми тамом бўлди, энди амалиётга ўтиш зарур, шунинг учун ҳам БТ тренери Томпсон билан шартлашиб олди ва у Саидни ўргатишга рози эканини айтди. Аҳмаднинг Саидга фақат биргина илтимоси бор: инглизга ҳеч қачон турк футболининг сирларини айтмаслиги керак.

Томпсон билан Саид бир кўришдаёқ бир-бирларига ёқиб қолишди. Биринчидан, улар ташқи жиҳатдан худди ота-боладек бир-бирларига ўхшашар, —инглиз Саидга нисбатан сал ғайратлироқ одамдек таассурот қолдирарди, холос. Иккинчидан, иккаласи ҳам беозор, аммо савдойи одамлар эди.

Инглизни ягона эҳтироси бўлиб, бу буюк футболчиларни етиштиришдан иборат эди. Ўз ҳаётида у футбол уфқида қанчадан-қанча юлдузларни очди. Томпсоннинг юлдузлари турли мамлакатлар футбол командаларини безарди. Томпсоннинг кўлига қанчалик хом материал тушса, футболчи қанчалик тажрибасиз бўлса, у билан шунчалик чин кўнгилдан шуғулланар ва ҳеч нарсага ярамайдиган ўйинчини ҳар қандай терма командани безай оладиган биринчи даражали футболчига айлантириш унга шунчалик кўп қувонч келтирарди.

Томпсон Туркияга ўзининг жаҳон футболи олдидаги хизматлари ҳақидаги хабар бу мамлакат чегараларигача етиб келган, БТ эса номи дунёга тарқалган тренернинг кўлга киритишни истаб қолган бир пайтда ташриф буюрганди. Эҳтимол, Томпсон ҳақида жуда кеч хабар топганликлари ёки материал мутлақо хом бўлмагани сабаблидир, ҳар ҳолда команда ва тренер тил топиша олмади, инглиз футболчиларидан норози эди, футболчилар эса инглиздан. Команда тобора ёмон ўйнар, бунинг учун эса, одатдагидек, тренерни айблашарди. Томпсонни ишсиз қолиш хавфи чўчитарди, лекин ўз рухига яқин одам — Саид билан танишиши унинг келажакка бўлган ишончини мустаҳкамлади ва шунинг учун у машғулотларга ёшларга хос ғайрату қизиқиш билан берилиб кетди. Саид у билан аввало французчалаб, кейин айниқса Томпсонга хуш ёқадиган инглиз тилида гаплашганда тренер йигитга чексиз мойиллик билан қарай бошлади.

Инглизда худди аввалгидек яратувчанлик иштиёқи пайдо бўлди. У ҳар қандай материалдан яхши футболчи яратиш мумкинлигига, хомашё қанчалик қайнашадиган бўлса ўйлаган шаклни эсаш шунчалик осон бўлишига қатъий ишонган Томпсон ўзига ёқиб қолган шогирдига астойдил ёпишиб олди. Аммо-лекин машқ қилиш системасида бачкана ва талабчан бўлиб, бошида Саиднинг бундай қийинчиликларга чидашига шубҳаланди, Бироқ Саид ҳар нарсага тайёрлигига ишонтирар, фақат тезроқ футболчи бўлсам бас, дерди. У Томпсонни доктор Рафиқ ва профессор билан таништирди. Улар энди учовлашиб ўз беморлари учун илмий жиҳатдан асосланган машқ қилиш программасини тузишди. Саид эса бахтиёр эди. Ниҳоят орзуси ушалмоқда.

Тренер раҳбарлиги остида у аркондан сакрар, гимнастика билан шуғулланар, тош кўтарар, югурарди.

Дастлабки пайтларда Саид машқлардан сўнг шунчалик чарчардики, на кўлини, на оёғини қимирлатишга мажоли етарди. Баъзида унинг хаёлига ўз ниятидан қайтишдек номардона фикрлар ҳам келар, лекин шу заҳотиёқ Сеймини эслар ва кўрқоқлик ўз жойини кучли қатъийликка бўшатиб берарди: Қандай бўлмасин ҳар қандай синовга бардош бериши керак!

Гипноз сеанслари пайтида доктор Рафиқнинг ҳамишагидек Саидга сўзсиз буюк футболчи бўлиб етишишини уқдираётганини унутмаслик керак. Айтмоқчи, бунга докторнинг ўзи ҳам унчалик ишонмасди. Унинг учун муҳими Саидни даволаш эди, даволашга эса муҳаббат ҳам, футболга қизиқиш ҳам ёрдам бераверсин — психотерапия маҳорати ҳам шунда эмасми, ахир?

Одатдаги машқ кунларидан бири эди. Инокплашиб олишга улгурган Томпсон ва унинг шогирди Маллазодалар уйига туташиб кетган боғда шуғулланишарди. Хароба боғнинг айниқса аллақачонлардан бери одам оёғи тегмаган девор ёқасини бута ва бурган босиб кетганди. Бошида Саид уй олдидаги кичкина ўтлоқда, кун сайин масофани узайтириб югурарди. Ўша куни, ниҳоят ўтлоқ кичиклик қилиб қолгач, мистер Томпсон боғ девори бўйлаб югуриш кераклигини айтди.

Саид чаққонлик билан олға ташланиб, тезликни ошира бориб, ўн беш метрча, худди ер ёрилиб остига кириб кетгандек, тўсатдан ғойиб бўлди!

Мистер Томпсон ўтлоқда у ёқдан-бу ёққа юрганча сабр билан кутди кейин—эса тоқатсизлана бошлади— чунки шунча вақт ичида бутун боғни ҳатто бир-бир қадам босиб айланиб чиқиш мумкин эди. Тренер Саидни чақирди, ниҳоят сабри тугаб ўзи ҳам ўша йўл бўйлаб чопиб кетди. Аммо қалин бутазор унинг йўлини тўсди. Шунда мистер Томпсон Саидни яна бир марта чақириб, уй га қайтди, у ерда тренерни мадам Анжела қарши олди.

— Сиз Саидбейни кўрмадингизми?— сўради ундан инглиз.

— Ахир у сиз билан бирга эмасмиди? Мен ҳозиргина уни боғда сакраётганини кўргандим.

Деразадан Баррин хоним кўринди.

— Нима бўлди?

— Томпсон афанди гўёки бизнинг Саид йўқолди демоқда.

Тренер турк сўзларини билан қоришгириб Саиднинг боғ девори бўйлаб югурган ва йўқолганини тушунтириб берди. Амма ҳазилкамига ҳазиллашмади. Қидирув бошланди. Аввал уйдаги барча хоналарни тинтишди, чордоққа кўтарилишди, ертўлага тушишди. Сўнгра боққа чиқиб :«Са-и-ид!» — деб қичқира бошлашди.

Ҳеч ким жавоб бермасди.

— Эҳтимол у девордан сакраб ўтгандир?

—Нималар деяпсиз, мадам Анжела, ахир девориминздан сакраш мумкинми?— Шундай дея Баррин хоним кўлларини қисирлатиб, худди олдида жиянининг жасади ётгандек ҳўнграб йиғлай бошлади.

Мистер Томпсон гўлдираб сўкинган ҳолда боғни айланар ва Саидни чақирарди. Қаёқдан ҳам у Саидни қачонлардан бери ҳеч ким ярим йўлдамайдиган ерда чопишга мажбур қилди-я! «Қаёққа гумдон бўлди бу йигит? Ахир ер ёрилиб, остига кириб кетмагандир-ку, тағин меннинг кўз ўнгимда-я!» Инглиз Саиднинг ўлимига ишонмасди — у гоятда ҳушёрлик билан фикр юритишга ўрганганди, —уни фақат ўзининг омади юришмаганлиги ранжитади: БТ билан тузилган шартнома тугаёзганди, бадавлат мижози эса қаёққадир кочиб кетди ва умуман — у бошлаган ишини ярим йўлда ташлаб кетишни ёктирмасди.

Мадам Анжела Саидни уйдан қидиришни давом эттиради. Аммо бу орада юз-кўзини тимдалаганча марсия айта бошлади:

— Бу аблаҳ, қиз боламизни ақли-ҳушидан жудо қилди! У куяверсин чарчади, бошқа оғган, оёғи тортган томонга ўрган ўзини.

— Оҳ, лаънати қиз, худо жазонгни бергур! Оҳ, ёшамагур Аҳмед! Оҳ, дўзахи кофир! Эҳ, ҳудойим, ҳудойим-эй, ахир баобрў оиладан чиққан одобли бола кун бўйи чопиб ва сакраб юрадими?.. Вой-вой!

Юз берган бахтсизликдан барча Маллазодаларни хабардор қилиш учун Баррин хоним телефон томон жўнади. У биринчи бўлиб телефон қилган киши, албатта, кекса Абдушукурбей бўлди, у Саид йўқолганини тушунди-ю, лекин қайси Саид эканлигини тушунолмади.

— Ким йўқолди?!— қичқирди у трубкага.

— Саид... Ўзимизнинг Саид йўқолди...

(Давоми бор).

Редактор
С. М. КАРОМАТОВ.

ЗТошкент бет ОКШОМИ

21 ИЮЛЬ, 1978 й.

23 ИЮЛЬ

САВДО ХОДИМЛАРИ КУНИ

23 ИЮЛЬ

ТОШКЕНТ ШАҲАР ИЖРОИЯ КОМИТЕТИНИНГ БОШ САВДО БОШҚАРМАСИ САВДО ХОДИМЛАРИНИ БАЙРАМ БИЛАН ҚУТЛАЙДИ!

Ҳозирги кунда шаҳар савдо корхоналарида 24 мингдан ортиқ киши меҳнат қилмоқда.

Тошкентликлар ЦУМ, ГУМ, «Чилонзор» савдо маркази, Фрунзе савдо маркази, Тошкент «Болалар дунёси» универмаги, «Ташпромторг» — «Шуҳрат», «Ёшлик». Куйбишев райпишчеторгига қарашли 75 ва шунга ўхшаш йирик савдо корхоналарини яхши биладилар ва уларнинг хизматидан мунтазам фойдаланадилар.

Бу магазинлар янги илғор савдо методи асосида ишламоқдалар. Улар савдода байроқдор ҳисобланишади.

Сўнгги йилларда пойтахтимизда янги йирик магазинлар: «Чилонзор» массивида «Универсам», ГУМ қошида «Универсам», «Ташпромторг»нинг «Ҳаммаси аёллар учун» ва жуда кўп шунга ўхшаш объектлар фойдаланишга топширилди.

«Шуҳрат», «Ёшлик», «Белорусь», «Ширин», «Гулчеҳра», «Ташхозкультторг»нинг 47-мактаб-магазинлари савдо системаси учун ёш мутахассислар тайёрлаб чиқармоқда.



РЎЗҒОР УЧУН БУЮМЛАР

Уларни Сиз «Ташхозкультторг»нинг 22-магазинидан харид қилишингиз мумкин.

Дарвоқи у бекорга «Минг хил майда-чуйда» деб номланмаган. Айнан шу ерда Сиз оилада жуда зарур бўлган майда-чуйдаларни сотиб оласиз.

Электр буюмлари бўлимида... турли маркалардаги холодильниклар — «Памир», «Самарқанд», «Саратов», «Бирюса-2», «Бирюса-5», «Орск», «Свияга»ларни, «Чайка», «Ракета», «Циклон», «Аудра» пилесосларини, кир ювиш машиналари, қандиллар, торшерлар, тунги ёритгичлар, бралар сотиб олишингиз мумкин.

Чунончи, бу ерда шиша, алюмин ва пластмассадан ясалган идишлар — тоғоралар, челаклар, кострюллар, қозонлар, стаканлар, фужерлар, рюмкалар, қанддонлар, ош қошиқлар, ошхона буюмлари — товалар, товуқ пиширгичлар, гўшт қиймалагичлар, скороваркалар мавжуд.

Маиший химия бўлимида: паста кўринишидаги, порошокли ва суюқ ювувчи воситалар — «Мечта», «Пальмира», «Ландиш», «Каштан», «Лада», «Лотос»ларни харид қилишингиз мумкин.

Болаларни мактабга ҳозирлаш вақтида албатта канцтоварлар бўлимига кириб ўтинг. У ердан сиз мактаб ёзув жиҳозлари: перони ва шарикли ручкалар, катак ва тўғри чизиқли дафтарлар, қаламлар, блокнотлар, папкалар, портфеллар, ранецлар, учбурчак чизғичлар харид қилишингиз мумкин.

Магазинда янги галантерея-парфюмерия бўлими очилди. Унда катта ассортиментда хўжалик, кўчалик, дам олиш куни олиб юриладиган сумкалар, чамадонлар портфеллар, зонтлар, тароқлар, камарлар, атир совунлар, тиш пасталари ва соқол олишда ишлатиладиган пасталар, атирлар, одеколонлар, лосьонлар, кремлар, упалар мавжуд.

Харидорларга қулайлик яратиш мақсадида 22-«Минг хил майда-чуйда» магазини янги иш режимига ўтди — дам олиш куни якшанбадан душанбага кўчирилди.

Магазин соат 10.00 дан 19.00 гача ишлайди. Танаффус — 14.00 дан 15.00 гача.

«МИНГ ХИЛ МАЙДА-ЧУЙДА» МАГАЗИНИГА МАРҲАМАТ ҚИЛИНГ!

КАЛАМЕНКА УЧУН «РУССКИЙ ЛЁН»ГА

КАЛАМЕНКА — ЭНГ ҚАДИМГИ ВА ЭНГ МОДАДАГИ ГАЗМОЛ.



Сунъий ва табиий ранг-баранг газмоллар мажмуасида каламенка полотносига анча талаб катта. У фақат ўзигагина хос афзалликларга эга: ялтироқли, ипакдек майинлиги, енгиллиги ва пишиқлиги билан ажралиб туради.

Каламенка ўз формасини яхши сақлайди, ғижимланмайди, чок бостириш, гуллар тушириш, гул тикишда жуда осонлик туғдиради.

Каламенкадан тикилган буюмлар модада, кўркам ва замонавий.

Агарда Сиз ёзга ёки кузга кўйлак-костюм, юбка, шим ёки блузка тиктирмоқчи бўлсангиз каламенка сотиб олиш учун албатта, ихтисослаштирилган «Русский лён» магазинига ташриф буюринг.

Магазинда кенг ассортиментда хилма-хил ранг ва тусда — ҳаворанг, кулранг, тўқ қизил, сариқ, салат рангидаги кўйлаклик, костюмлик газмоллар мавжуд. Катакли, йўл-йўлли, гул туширилган каламенкалар ҳам бор. Каламенкадан тикилган чойшаб, сочиқ, салфеткалар жуда яхшидир.

Каламенка газмоллар ип-газламадан бир ярим баробар пишиқроқдир. Уни қияверіб тамом қилиб бўлмайди. Ювгандан кейин ҳам у эскирмайди, балки тозаланиб, оқлик ва янгилик кашф этади.

Магазин Шота Руставели кўчасидаги 43-уйга жойлашган.

Магазинга 7, 9, 11, 14, 24-трамвайлар, 13, 15, 16-троллейбуслар, 18, 54-автобуслар билан («Киров парки» бекати) бориш мумкин.

«РУССКИЙ ЛЁН»ГА МАРҲАМАТ ҚИЛИНГ!

ЯНА БИР УНИВЕРСАМ



ЧИЛОНЗОРЛИКЛАР ЯНА БИР АЖОИБ СОВҒА ОЛИШДИ — МАССИВНИНГ 19-КВАРТАЛИДА «ХИЗМАТ — БЕМИННАТ» ФИРМАСИНИНГ ЯНГИ МАГАЗИНИ 2-УНИВЕРСАМ ОЧИЛДИ

Замонавий савдо корхонаси асосий шиорига бўйсундирилган бу магазин ўз олдига харидорларга тез, аниқ, юксак маданият даражасида хизмат кўрсатишни мақсад қилиб қўйган.

Бош савдо залида ўз-ўзига хизмат кўрсатувчи 6 бўлим жойлашган. Ўйлаб, қулай жойлаштирилган товарлар ва уларга эркин ёндаша билиш, справка кўрсаткичлари, контейнерлар харидорларга ҳеч бир кутиб қолмай, зарур маҳсулотларни танлай олишга, электрон касса аппаратлари билан жиҳозланган ҳисоб-китоб узеллари, кишилар билан сотиб олинган маҳсулотларга тез ва бехато ҳисоблашиш имкониятини беради.

Харидорларга қулайлик туғдириш мақсадида магазинда кафетерий, буюртмалар столи, «Ҳаммаси уй бекалари учун» ва «Совғалар» бўлимлари, шиша идишларни қабул қилиш пунктлари ташкил этилган.

Буюртмалар столи — хизмат кўрсатишнинг энг замонавий ва энг қулай формаларидан биридир.

Буюртмалар қабул қилиш ва савдода бўлган маҳсулотларни уйга элтиб бериш вазифаси буюртмалар салони ходимлари зиммасига юклатилган. Озиқ-овқат товарларига олдиндан бериладиган буюртмалар тўғридан-тўғри салоннинг ўзида ва телефон орқали амалга оширилади.

ҲУРМАТЛИ ТОШКЕНТЛИКЛАР!

Янги «Универсам» Сизларни кутади ва Сиз унинг доимий мижози бўлиб қолишларингизга ишонади.

Адресни маълум қиламиз: Чилонзор, 19-квартал, 16-уй.

Магазинга 11, 19, 6-троллейбусларда бориш мумкин («Молкомбинат» бекати).

Буюртмалар салонининг телефони 76-82-17.

ФРУНЗЕ САВДО МАРКАЗИ–СОВЕТ САВДОСИ БАЙРОҚДОРИДИР.



У пойтахтнинг энг кекса корхоналаридан ҳисобланади. Магазин жуда қулай ерга жойлашган — унинг ёнида пойтахтнинг энг серқатнов ва гавжум магистраллари ўтади. Ҳар куни магазинга 17 мингга яқин тошкентлик ташриф буюради. Савдо марказида ҳозирги вақтда 14 та секция ишлаб турибди, ундан 10 таси ўз-ўзига хизмат методи, бўйича иш олиб боряпти. Ҳар куни Сизларга 350 га яқин сотувчи, контролёр, кассир хизмат кўрсатади.

Харидорларга хизмат кўрсатишни яхшилаш мақсадида савдо марказида бир қатор қўшимча хизматлар ташкил этилган: телевизор ва тикув машиналарини уйга бориб ўрнатиб бериш, шунингдек, ойчиш столи, соат ремонти устахонаси, соатлар алмашув пункти, металл, пластмасса ва ойнага гравюра ишлаш хизмати мавжуд. Бундан ташқари магазинда кийимни қоматга мослаш, кредитга буюмлар сотиш ва бошқа бир қанча хизматлар ҳам ташкил этилган.

Харидорларга қулайлик яратиш учун савдо марказининг биринчи қаватида «Гастроном» жойлаштирилган. У ҳар куни эрталаб соат 8.00 дан соат 21.00 гача ишлайди.

Саноат моллари савдоси эрталаб 10.00 дан соат 20.00 гача танаффуссиз ташкил этилган.

Шота Руставели кўчасига жойлашган Фрунзе савдо марказига 7, 9, 11, 14, 24-трамвайлар, 13, 15, 16-троллейбуслар, 18, 54-автобуслар билан бориш мумкин («Театральний» бекати).

ҲАММАСИ АЁЛЛАР УЧУН



«ТАШПРОМТОРГ»НИНГ ИХТИСОСЛАШГАН ЯНГИ 74-МАГАЗИНИ НАВОИЙ КЎЧАСИГА, ЯНГИ ШАҲАР ЯРМАРКАСИГА ЖОЙЛАШГАН.

Яқингинада харидорлар учун ўз эшикларини очган бу савдо объекти гўзал аёлларимиз эътиборини қозонди. Бу албатта тушунарли, чунки магазиндаги ҳамма нарса аёллар учунгина аталгандир.

Бу ердан трикотаждан тикилган буюмлар — свитерлар, жемперлар, шимлар, юбкалар, костюм-шимлар, камзуллар сотиб олиш мумкин.

Тикувчилик буюмлари — сунъий ва табиий ипакдан кримплендан тикилган қўйлаклар, ип-газламадан тикилган калта ва узун енгли халатлар, чарм-галантерея, парфюмерия-косметика товарлари — атирлар, одеколонлар, лосьонлар, упалар, кремлар, чунончи, тозаловчи-ювувчи воситаларни харид қилиш мумкин.

Айниқса, атир ва одеколонларнинг тури ва хили жуда ранг-барангдир. Турли рангдаги ёрқин ва ўзига хос ўралган нақшли флакон-лар ва нозик тароват — магазиннинг парфюмерия бўлими Сизларни ана шундай қарши олади. Сюрприз қўйилардаги атирлар, қиёси йўқ флаконлардаги чиройли атирлар ҳамда кундузги ва кечки атирлар савдода мавжуд.

«Красная роза», «Москвичка», «Комплимет», «Каменный цветок», «Красная Москва», «Консуэло», «Демон», «Красный мак» ана шулар жумласидандир.

Янги магазинда, шунингдек, тери, юз ва қўлларни парваришлаш воситаларининг жуда кўп турлари мавжуд.

Бу ерда ёш қизлар ва кекса ёшдаги аёллар учун исталган ҳамма зарур нарсаларни топиш мумкин. Ёқимли, гул исли, кучли таъсир этувчи ва ёқимли ҳидли бу атирлар, махсус совға қутичаларига ҳамда чиройли ўймакор флаконларда жойлаштирилган.

Юз учун мўлжалланган лосьонлар — «Отуречный», «Утро», қўл учун мўлжалланган лосьон «Пинель» ҳам мавжуд. «Шизандра», «Нектар», «Восторг», «Женьшеневый» сингувчан кремлар харидорларга аллақачонлар маълумдир.

МАКТАБ-МАГАЗИН–САВДО КАДРЛАРИ МАСКАНИ



«Шуҳрат», «Ёшлик», «Гулчеҳра», «Ширин», «Белорусь», «Ташхозкультхоз»га қарашли 47-мактаб-магазинлар Тошкентдаги саноат ва озиқ-овқат товарлари билан савдо қилувчи кадрлар тайёрлашда асосий кучдир. Улар ҳар йили кўплаб миқдорда ёш мутахассисларни тайёрлаб бермоқда.

Бўлажак сотувчилар, мактаб-магазинда ўқиш даврида товаршунослик, савдони ташкил этиш, савдо ҳисоб-китоби, совет ва меҳнат ҳуқуқлари асосларидан билим оладилар.

СИЗЛАРНИНГ СОТУВЧИ БЎЛИШЛАРИНГИЗДА МАКТАБ-МАГАЗИНЛАР ЁРДАМ БЕРАДИ.

Мактаб-магазинларга 16 дан 25 ёшгача бўлган 8—10-синф ҳажмида маълумотли, доимий Тошкент шаҳрида пропискада турувчи қизларгина қабул қилинади.

Ўқиш даври умумий меҳнат стажига киради.

Ўқувчиларга ойига 54 сўмдан 63 сўмгача стипендия тўлаб борилади.

Ўқишга кириш учун қуйидаги ҳужжатларнинг бўлиши лозим: ўрта маълумоти ҳақидаги аттестат ёки 8-синфни тугатганлиги ҳақидаги гувоҳнома, паспорт ёки туғилганлиги ҳақидаги гувоҳнома, мактабдан ёки сўнгги иш жойидан характеристика, меҳнат дафтарчаси (агар бўлса), яшаш жойидан справка, 2 та фотосурат (6х9 см. ҳажмида).

МАКТАБ-МАГАЗИНЛАРНИНГ АДРЕСИ:

«ШУҲРАТ» — Чилонзор массиви, 11-квартал, 2-уй.

«ЁШЛИК» — Кафанов кўчаси, 65-уй.

«ГУЛЧЕҲРА» — Привокзальная кўчаси, 32-уй.

«БЕЛОРУСЬ» — Каблуков кўчаси, 55-уй.

«ТАШХОЗКУЛЬТТОРГ»нинг 47-МАКТАБ-МАГАЗИНИ — Муқимий кўчаси, 1-уй.

«ТАШПРОМТОРГ»нинг 47-МАКТАБ-МАГАЗИНИ — Х. Сулаймонова кўчаси, 41-уй.

САЛОМАТЛИК ЯРМАРКАСИ

Фарҳод бозоридаги сабзавот ярмаркаси ана шу ном билан аталади. Эрта баҳорда очилган бу ярмарка ҳозирги кунларда ҳам шаҳарликларни янги чиққан мевалар ва сабзавотлар билан таъминламоқда.

Мана шу кунларда ярмарка картошка, карам, пиёз, помидор, сабзи, олма ва олхўрилар билан савдо қилмоқда.

Серҳосилдор деққонлар пешана тери билан бунёдга келтирилган сабзавот ва мевалар ярмаркага шаҳар яқинидаги колхоз ва совхозлардан келтирилмоқда.

Ёз — мева ва сабзавотларнинг айни пишиқчилик палласи. Бу айни бир вақтда уй бекаларининг қиш учун витаминлар ҳозирлаб қўйиш вақти ҳамдир: улар мураббо пиширадилар. Жем, шарбат, мева сувлари, томат тайёрлайдилар, помидорларни тузлайдилар ва мариновка қиладилар.

ФАРҲОД БОЗОРИДАГИ САЛОМАТЛИК ЯРМАРКАСИГА МАРҲАМАТ ҚИЛИНГ!

ТЕЛЬМАН НОМЛИ МАДАНИЯТ ВА ИСТИРОҲАТ БОҒИДА

21 ИЮЛЬ ЖУМА, КЕЧ СОАТ 19.00 ДА САВДО ХОДИМЛАРИ КУНИГА БАҒИШЛАНГАН ОММАВИЙ САЙЛ УТКАЗИЛАДИ

Байрам энг илғор савдо ва умумий овқатланиш ходимлари, пешқадам коллективларни шарафлаш билан очилади.

Энг яхши пазандалар ва қандолатчилар, байрам қатнашчиларини бўрсилдоқ пироглар, ширмон булочкалар, хушхўр пирожнийлар ва ажойиб торглар билан меҳмон қиладилар.

СИЗЛАР УЧУН ТОШКЕНТЛИКЛАР!

Сизлар боғда яхши дам олишингиз, санъат усталари ва ҳаваскор ансамбларнинг конкурсларини тинглашингиз, ҳужжатли ва илмий-оммабоп фильмларини томоша қилишингиз, ажойиб-ғаройиб аттракционларда, сайларда қатнашишингиз мумкин. Кафе, буфетлар, павильонлар сизларнинг хизматингизда.

ТОШКЕНТ ШАҲАР ИЖРОИЯ КОМИТЕТИНИНГ БОШ САВДО БОШҚАРМАСИ

«УЗТОРГРЕКЛАМА» ТЕЛЕПРЕССАГЕНТЛИГИ

4 БЕТ. ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

21 ИЮЛЬ, 1978 й.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ», («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ») — орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета

БИЗНИНГ АДРЕС: 700,000; ГСП, Тошкент, Ленин проспекти, 41. ТЕЛЕФОНЛАР: секретариат — 33-57-02, бўлимлар; партия турмуш — 32-53-66; саноат 32-53-83; қурилиш 32-58-85; шаҳар хўжалиги — 32-57-83; совет қурилиши ва ҳуқуқ —32-54-19; фан, мактаб ва олий ўқув юртлари— 32-53-10; адабиёт ва санъат— 32-56-81; ахборот — 33-28-95, спорт ва харбий-ватанпарварлик ишлари — 32-58-85, хатлар — 33-29-70; эълонлар бўлими — 33-81-42.

Р-13057. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети Нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, Тошкент шаҳри, ИНДЕКС 64579. Нашр Д—13561.